Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 14 ноябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 88 (7084)

Da'vat

Миллат дардига дармон бўлмоқ вазифамиздир.

Амир ТЕМУР

Ibrat

Қўқондаги 2-касб-ҳунар мактабининг ёш ҳунармандлари харидоргир маҳсулот тайёрлашни ўрганиб олдилар. Улар устозлари қўмагида болалар учун икки қаватли кароватлар тайёрлашга киришдилар. Кароватларнинг дастлабки туркуми Данғара туманидаги иқтидорли болалар гимназиясига жўнатилди.

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессияларида муҳокама этилган масалалар кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримовга Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Абдусаид Кўчимов бир неча савол билан мурожаат қилди.

Йўлбошчимиз саволларга жавоб қайтарар экан, мазкур йиғилишларда кўтарилган муҳим маънавий-аҳлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммолар ҳақида батафсил фикр билдирди.

Қуйида шу суҳбат матни эълон қилинмоқда.

САВОЛ: Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, куни кеча Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан таш-қари сессиялари бўлиб ўтди. Жамоатчилигимиз бу анжуманларда муҳокама этилган масалалардан оммавий ахборот воситалари орқали етарлича маълумот олди, одамлар ўз муносабатларини ҳам билдирмоқдалар. Шу билан бирга, ҳар икки сессияда Сизнинг чиқишингизни кузатар эканмиз, айниқса «юрагимни бўшатишни истардим-у, майли...» деган сўзларингизни эшитганда, журналист сифатида ватандошларимизга яна айтмоқчи бўлган қатор фикрларингиз борлигини сезгандек бўлдим...

ЖАВОБ: Ҳақиқатан, халқимиз гувоҳ бўлганидек, ҳар икки сессия ҳам кескин, танқидий руҳда ўтди. Мазкур вилоятларнинг раҳбар доираларида вужудга келган носоғлом муҳит ҳақида аччиқ, аммо ҳаққоний сўзлар айтилди. Бундай номақбул, одат тусига кириб қолаётган ачинарли ҳолатлар бугунги ҳаётимиздаги ижтимоий муҳитнинг бузилишига ва аҳолининг адолатга бўлган ишончининг йўқолишига сабаб бўлмоқда. Бу фикрлар аслида амал курсисидан кетаётган кимсалар учун эмас, шу вилоятларда яшаётган меҳнаткаш, адолатга ташна инсонлар, ҳаётга эндигина кириб келаётган ёшлар учун, миллатимиз, халқимизнинг эртанги куни ҳақида қайғуриб айтилди, десак, хато бўлмайди.

Шу йиғилишларда тилга олинган маънавий-аҳлоқий, сиёсий-ижтимоий муаммоларнинг баъзи бир жиҳатларини қисқача изоҳлаб ўтиш зарур, деб ҳисоблайман. Чунки улар бизнинг бугунги ҳаётимиз, олға қараб қилаётган ҳаракатларимиз билан чамбарчас боғлиқ.

Умрим давомида орттирган озми-кўпми ҳаётий тажрибаларим асосида шундай хулосага келдимки, дунёда инсон иродасини синайдиган воситалар кўп. Аммо уларнинг бирортаси ҳам амал, лавозим, мансаб каби одамзотнинг кимлигини, унинг қиёфаси ва моҳиятини яққол очиб бера олмайди.

Шу хусусда кўп ўйлайман. Мансаб деганлари қандай сирли, бетизгин куч эканки, нега у манаман деган, ақлли-ҳушли, оқ-қорани таниган, туппа-тузук инсонларнинг эл-юрт, давлат ишониб топширган ваколатларни суиистеъмол қилишига, инсофини йўқотишига олиб келади, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, порахўрлик, калондимоғлик каби иллатлар домига тортади? Бунинг сабаблари нимада? Бу ярамас иллат қаердан, қандай пайдо бўлади? Бу ҳунук, аянчли аҳволни қандай қилиб бартараф этиш, жамият танасига канадай ёпишган бу балодан қай тариқа халос бўлиш мумкин?

Бу касаллик илдизи хонлар, беклар, қозилар, мингбошию юзбошилар ҳукм сурган олис замонларга бориб тақалади. Балки халқ эртакларидаги порахўр амалдорлар, Абдулла Қодирий тасвирлаган ришватга ботган хон мансабдорлари ёки бўлмаса Абдулла Қаҳҳорнинг машҳур «Ўғри» ҳикоясида қаламга олинган воқеалар фақатгина бадиий тўқима маҳсули эмасдир?..

Айни чоғда тарихимизнинг турли саҳифаларини кўздан кечирганда, халқимиз маънавияти билан боғлиқ шундай маълумотларга дуч келасизки, улар ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар, таъмагирликдан нафратланиш, камтарлик, адолатпарварлик сингари туйғулар миллатимизга хос энг олижаноб фазилатлар эканидан далолат беради. «Бировнинг ҳақи», «қиёмат қарз», «пешона тери», «молимардумхўр» деган сўзлар бунинг яққол ифодасидир.

Биргина мисол.

Маълумки, Бобур Мирзонинг отаси Умаршайх Мирзо темурий ҳукмдорлардан бири эди. Бобур ўз хотираларида отасининг нақадар адолатли ва ҳалол одам бўлганини кўрсатувчи шундай маълумотни келтириб ўтади. Қай бир йили Хитойдан Фарғонага келаётган минг кишилик карвон Ўш тоғларида қор кўчкини остида қолиб ҳалок бўлади. Умаршайх Мирзо дарҳол одамларини юбориб, карвоннинг юкларини назорат остига олдиради. Эгалари ҳалок бўлган шу молларни икки йилдан зиёд эҳтиётлаб сақлайди. Хуросон ва Самарқандга махсус одам юбориб, карвон эгаларининг меросхўрларини дараклатиб топтиради ва уларни ўз мамлакатига чақиртириб, молларни тўлалигича қўлларига топширади.

Бундай мисолларни ўтмишдаги оддий одамлар ҳаётидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Худога минг шукурки, ҳозир ҳам ҳаётимизда шу эзгу тушунчалар барқарор ва устувор. Шунинг учун ҳам биз йўлимизда тўсиқ бўлиб турган, халқимизнинг, фуқароларимизнинг ҳақли равишда норозилиги ва қаҳр-ғазабига сабаб бўлаётган баъзи бемаъни ишларни таг-томири билан йўқотиш ҳақида очиқ, ошкора гапиряпмиз.

Чунки замонавий дунёқарашимиз, маънавий тамойилларимиз, урф-одатларимиз, кўникмаларимиз янгича асосда шаклланаётган ва шубҳасиз эртанги авлод таълим-тарбиясига асос бўладиган ижтимоий-аҳлоқий қарашларимиз вужудга келаётган бугунги ҳал қилувчи паллада бу нарса Президент сифатида мен учун ҳам, бутун халқимиз учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Дунёнинг кўп-кўп мамлакатлари, жаҳон халқларининг ҳаёти, тарихи, иқтисоди, сиёсати, фалсафаси, маданияти шуни кўрсатадики, ёвузликнинг, жумладан порахўрлик, ўғрилик, товламачиликнинг миллати, насл-насаби йўқ. Бу офат башарият бошига битган шундай ашаддий балоки, унинг салбий оқибатларини оламдаги жуда кўп давлатлар, юксак тараққий топган мамлакатлар ҳам ўз ўтмиши, бугунги ҳаётида кўриб-сезиб турибди.

Биз озодликка эришган илк кунимиздан бошлаб, ўз миллий давлатчилигимизни тиклашга киришган дастлабки пайтданоқ ният ва муддаоларимизни бутун дунёга очиқ-ойдин маълум қилганмиз: мақсадимиз аниқ - Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш. Инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, унинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун шароит яратиш - бош вазифамиз. Бу жамиятда **халқ ҳукмдорларга эмас, ҳукмдорлар халққа хизмат қилиши** - асосий қоида.

Биз ана шу тамойил ва йўл-йўриқларни ҳаётимизнинг мазмун-мундарижасига айлантириш учун интил-япмиз. Энг муҳим гап шуки, бошлаган барча ислоҳотларимизнинг пировард мақсади битта — **адолатли жамият барпо этиш**.

«Адолат» сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бўлиб келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун курашган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Аввалари ҳам кўп бор айтган бир фикримни яна такрорламоқчиман: **халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди.**

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93 (12-банди) ва 102-моддаларига мувофиқ, Ғайбулло Дилович Дилов Навоий вилоятининг ҳокими этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонига биноан Ҳаёт Раҳимович Ғаффоров ўз аризасига кўра, Навоий вилоятининг ҳокими лавозимидан озод этилди.

• Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида Тожикистондаги сўнгги кунларда юз берган воқеалар муносабати билан бўлиб ўтган брифингда Ўзбекистон ҳукумати Тожикистонда юз берган воқеалар қўшни мамлакатнинг ички иши, деб ҳисобланиши ва бу ерда тинчлик тикланишига олиб келадиган барча ҳаракатларни қўллаб-қувват-лаяжаги алоҳида таъкидланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов АҚШ конгрессининг сенатори Ричард Шелби раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

• Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларича кўп миқдорда табиий газ заҳираси бор, деб тахмин қилинаётган Қозоғистоннинг Актюбинск вилояти яқинидаги «Алтай» конида АҚШнинг «Америкэн интернэшнл нетролеум» нефть компанияси газ қазиб олиш ишларини бошлаб юборишди.

• Ироқ Бош вазири ўринбосари Тариқ Азиз БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ироққа нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилмас экан, мамлакат ҳукумати бу ердаги оммавий қирғин қуролларини йўқ қилиш бўйича БМТ махсус комиссияси билан ҳамкорликни бошламайди, дея баёнот берди.

Muharrir minbari

ҲОКИМ МАКТАБГА БОРАЯПТИМИ?

ёхуд туман ҳокимларининг мактабга муносабати хусусида

Бу саволга ҳар бир ҳоким «боряпман» деб жавоб бериши аниқ. Бироқ «тез-тез бориб турасизми?» деган саволга бирдан «ҳа» деб жавоб беришга қийналади. Бундай қийналиб жавоб берадиган саволлар жуда кўп. Масалан, «Қайси мактабга боришни ўзингиз белгилайсизми ёки «энг зўри»ни кўришга «райОНО»нгиз тавсия берадими? Хўш, «энг зўр» мактабга бориб нималарга эътибор берасиз? Аслида қайси жиҳатларига эътибор бермоқ лозим? Болаларингизнинг мустақил фикрлашга ўрганаётганлигини қандай аниқлайсиз?...

Саволлар мураккаблашган сайин бирдан қўл силтайсиз-да, «бу иш билан «РайОНО» шуғулланади, қай бирига улгураман», деб ўйлайсиз ва ХАТО қилаётганингизни сезмайсиз...

Гапни қайси бир саволдан бошлашга қийналасан киши. Чунки, муаммолар муаммоларни етаклаб келаверади. Фақат ишлаб чиқариш, режа бажаришнинг кетидан қувган раҳбар адашади. Негаки, у фақат бугунни ўйлайди. Эртамиз эса янада такомиллашган ишлаб чиқаришни, рақобатга дош берадиган маҳсулотни талаб қилади.

Бундай маҳсулотни ким ишлаб чиқаради? Малакали кадр! Улар ўз-ўзидан тайёр бўлиб қолмайди. Туманингизда келажакда қандай қайта ишлаш корхоналарини қуриш ниятидасиз? Уларда ишлайдиган тайёр кадрларингиз борми? Йўқ бўлса уларни тайёрлаш учун қандай тадбир ишлаб чиқдингиз?..

Бу саволлар охир-оқибатда мактаблардаги аҳволга бориб тақалади. Шунинг учун жадид боболаримиз япон зиёлилари билан бир пайтда мактаб ислоҳотига зўр беришган. Натижасини бугун кўриб турибмиз. Чунки ўшанда Япония ҳукумати буни умумхалқ ҳаракатига айлантирди. Жадидлар эса мустамлака зулмига ва маҳаллий амалдорлару бойваччаларнинг кўмагига эмас таъқибига учрадилар. Бугун мустақил Ўзбекистонда бундай маърифий ҳаракат бошида Президент даъват қилиб турибди-ку. Нега жойлардаги раҳбарларимиз бу масалада юртбошимиз каби жон куйдирмайдилар. Масалан, Навоий вилоятидаги сессияда муаллимлар етишмаслиги яна бир бор танқид остига олинди. Мактабларни ўқитувчилар билан таъминлашга ҳоким бевосита раҳбарлик қилмоғи зарурдир. Негаки, бугунги олий ўқув юртларига киришнинг тест тизими жойларнинг муаллимларга эҳтиёжини ҳисобга олиб баҳо қўймайди. У билимларни саралайди. Шу боис, тайёрлаган болангиз (эътибор беринг, туманингиз мактабларида педагогик йўналишдаги синфлар бор) олий ўқув юртининг давлат грантини ололмаса, уни ҳокимлик жамғармаси орқали тўлов-контракт бўйича ўқитиш лозим бўлади. Бунга эса туман ҳокимлигинингтина қуввати етади, холос. Бу доимий назоратдаги, эътибордаги масаладир.

Бугун мактабдаги ишни нимадан бошламоқ керак? Фикримизча, ишни болаларимизга «Мактабга боришдан мақсад нима?» эканлигини тушунишлари учун шароит яратишдан бошламоқ керак. Чунки, Самарқанд ва Навоий вилоятидаги сессияда танқид остига олинган МАНМАНЛИК, ШУҲРАТПАРАСТЛИКнинг касри мактабга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Мактаб — ибратхонадир. Мактабда билим олиш ибрати ўрнига энг қиммат ва энг замонавий кийим топиб кийиш «ибрати» пайдо бўлган. Болалар ота-онасига китоб эмас, фалон кўйлакни олиб берасиз, дея хархаша қиладиган бўлишди. «Ёмоннинг касри мингта» дегани шу ўзи.

«Хўш, «буни менга нима алоқаси бор»,— демоқчисиз, ҳурматли ҳоким.

Аввало, бу янгича «ибрат»ни бекор қилиб, ўқувчиларни мактаб низомида ёзилгандек, мактаб либосига ўтказиш ибратини сиз ўз фарзандингиз мисолида бошлаб бермоғингиз, болаларингизни камтар бўлишга, ҳақиқатан ҳам намунали бўлишга ўргатмоғингиз зарур. Қуш уясида кўрганини қилади, ахир. Қолаверса, ҳоким ушбу туманнинг энг зиёли, ибрат оладиган кишиси эмасми? Унинг боласи ҳаммага ибрат бўла олиши керак эмасми? Ҳокимлар ўз зиммаларидаги бу юкни англашадими?

Мактаб либоси масаласи яна «РайОНО»га юклаб қўйилса, иш яна чала қоладди. Шу боис, ҳар бир мактабга ҳоким ибрат бўлиб, ўзи бориб турса масала ечилади. Қарангки, бунда ўша оддий мактаб либосига кучи етмаган ота-оналарни аниқлаш мумкин. Афсуски ёрдамга муҳтож оилалар ҳам бор. Боланинг кўнглини ўкситмасдан «Маҳалла», «Камолот» каби жамғармаларни жалб қилиб, уларга ҳам мактаб либоси тиктириб берса, иш яхшиланишга бошлайди. Ҳар бир бола ўзини тенг сезади, билим олиш орқали ўзини кўрсатишга тиришади. Қайтариб айтаман, бу фақат ҳокимларнинг қўлидан келади. Демак, мактабдаги МАНМАНЛИК МУҲИТИ ўрнига БИЛИМГА ИНТИЛИШ МУҲИТИни яратиш биринчи вазифадир. Бу муваффақият билан адо этилса, иккинчи муваффақиятни етаклаб келади.

Табиийки, шундай туман ҳокимлари борки, улар ҳафтанинг бир кунини мактабга, таълимга бағишлайдилар, қўл остидаги раҳбарларни ҳам шунга давъат этадилар. Қани энди, уларнинг ҳаммаси шундай бўлса...

Бугун келажак авлодни мустақил ШАХС қилиб тарбиялаш учун Президент бошчилигида ишлаб чиқилган, Олий Мажлис қабул қилган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ҳаётга татбиқ этила бошланди. Президент ҳар бир нутқида, интервьюларида таълим, ёш авлод ҳақида такрор-такрор гапиради. Нега ҳокимлар бунинг моҳиятига тушуниб етишга ҳаракат қилмайдилар. Президентнинг жойлардаги вакили сифатида бонг урмайдилар.

Биз — журналистлар эса бундан кейин мана шу йўналишда «юришимиз»ни давом эттирамиз.

Tajriba-sinov maydonchalarida

ИШЛАР ЯХШИДЕК

бироқ тажриба-синов майдончалари малака ошириш институтлари учун ўгайми?..

Тажриба-синов майдончалари иштирокчиларининг навбатдаги минтақавий семинар-кенгаши яқинда Фарғона вилоятида бўлиб ўтди. Унда тажриба-синов майдончаси сифатида тасдиқланган Марғилон шаҳридаги 23-мактаб («Одобнома»), Қува туманидаги 30-мактаб (Кимё), Андижон шаҳридаги 27-мактаб (Давлат ва ҳуқуқ асослари) ва Наманган туманидаги 8-мактаб (Информатика) ўқув фанлари бўйича синов майдончалари вакиллари қатнашишди.

Марғилон шаҳридаги 23-мактабда бўлиб ўтган семинар-кенгаш қатнашчилари Одобнома ўқув фани синовдан ўтказилаётган тажриба-синов майдони билан танишдилар. Сўнгра ҳар бир ўқув фани бўйича тажриба-синов ишларининг бориши, ўқув йилининг биринчи чораги натижалари таҳлил қилинди.

Семинар-кенгашнинг ялпи йиғилишида одобнома ўқув фанини тажрибасиновдан ўтказишга масъул, Республика Таълим маркази бўлим бошлиғи М. Туропова, Республика таълим марказининг кимё ўқув фани бўйича методисти К. Турдиева, Давлат ва ҳуқуқ асослари ўқув фани бўйича экспериментатор ўқитувчи О. Омонова сўзга чиқиб, шўъбалар бўйича бўлиб ўтган мажлисда кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечими, тажриба-синов ишларининг биринчи чорак натижалари ҳақида ахборот бердилар. Шундан сўнг тажриба-синов ишларини ўтказиш бўйича УЗ ПФИТИ қошида ташкил этилган Ахборот марказининг бошлиғи А. Баҳромов «Тажриба-синовни ўтказиш ва натижаларни олиш технологияси» мавзусида сўзга чиқиб, давлат таълим стандарти ўқув дастурларини тажриба-синовдан ўтказиш, ўқувчилар билимини баҳолашнинг рейтинг усулидан фойдаланиш, тажриба-синов натижаларини қайта ишлаш ва расмийлаштириш хусусида батафсил гапириб берди.

Фарғона вилоятида ўтказилган минтақавий семинар-кенгаш шуни кўрсатдики, Давлат ва ҳуқуқ асослари, одобнома ва кимё ўқув фанлари бўйича ўтказилаётган тажриба-синов ишлари баҳамжиҳатликда олиб борилмоқда. Аммо муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу муаммоларни ечишда уларга маҳаллий ҳокимият, халқ таълими бошқармалари, малака ошириш институтлари амалий ва методик ёрдам беришлари лозим.

(Давоми 2-бетда).

Yaponiyadan maktub

ТИНИМСИЗ ЎҚИШ «КАСАЛ»ЛИГИ

Беморлик, касаллик сўзлари кишида нохуш кайфият уйғотса-да, бироқ касалнинг бу «тури» ниҳоятда ёқимли бўлиб туюлади менга. Японлар ҳаётини уларнинг газета, журнал, китобга — билим, ахборот олишга бўлган муносабатларини кузатиб «қани энди ҳар бир ўзбекистонлик ҳам шу касалга чалиниб қолса», деган ният туғилади менда.

Японияда болани мурғаклигидан ўқитиш, яъни уни ўқиш касалига гирифтор этиш, жуда эрта бошланади. Фарзанд тарбияси,яъни давлатнинг келажаги учун масъуллик ота-онага жамият томонидан қўйилган талаб ҳисобланади. Ота-она бу талабни ҳеч қачон унутмайди, чунки у келажак авлодларнинг ҳурматида бўлишни хоҳлайди.

Ўзбекистонда айрим ота-оналардан «китоблар қиммат» деган баҳоналарни эшитардим. Шу баҳонани сабаб қилиб кўпчилик китоб дўконларига киришмайди. Лекин тўй-ҳашам учун қарз бўлса-да, пул топилади. Энди ўйлаб кўришимиз керак. Аслида болани баркамол — билимли, соғ-саломат қилиб тарбиялаш учун сарфлаш керак эмасми пулни?

Тўй бир кунда ўтади. Бироқ ўз боласининг билими эвазига келган муваффақиятлари ҳар бир ота-она, қавм-қариндош учун ҳар кунлик тўй эмасми?

Япон хонадонларида, метроларда, кутиш залларида қаерда бўлманг ҳамма вақтини бекорга ўтказмай, китоб, газета ўқишга сарфлашини кўрганимда шу ўйлар хаёлимдан кечади. Чунки бу халқ тинимсиз ривожланиб бораётган дунё тараққиётидан ортда қолишни уят деб билади. Қолаверса, китоблар ҳам унчалик арзон эмас.

Узбекистонимизнинг ўз ривожланиш йўли бор, албатта. Лекин японларнинг шу одатидан ибрат олсак, юртимизнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган бўлардик.

Айни пайт юртимиз газета ва журналларига обуна даври қизғин паллага кирган бўлса керак. Мен бир нарсани хоҳлардим — ҳар бир ўзбекистонлик ўқиш «касали»га мубтало бўлсин. Бу «касаллик» «вируси»ни тарқатувчиси эса зиёлилар — ўқитувчиларимиз бўлишсин.

Ойбек ҲАКИМОВ
«Маърифат» мухбири
ТОКИО

Ўқитувчи ёш дафтарига

КАДАСТР НИМА?

«Кадастр» лотинча сўз бўлиб, «Солиққа тортиладиган ашёлар рўйхати» маъносини англатади. Дастлаб кадастр ер солиғи манбаига доир китоб (реестр) сифатида тушунилган, кейинчалик у давлатнинг ҳисобга олиш-баҳолаш тадбирлари тизимини ифодалайдиган бўлди. Ҳозирги кунда ер кадастри ерларнинг табиий аҳволи, хўжалик ва ҳуқуқий ҳолати тўғрисидаги муттасил янгиланиб турувчи ишончли маълумотлар тизими ҳисобланади. Ер кадастрининг асосий таркибий қисмлари қуйидагилардан иборат: ер участкаларига оид ҳуқуқларни рўйхатга олиш, ерларнинг миқдори ва сифатини ҳисобга олиш, ерларни баҳолашдир.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ АЛОҲИДА

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда республика ва халқаро аҳамиятга молик 220 дан ошиқ жамоат бирлашмалари фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, 4 та сиёсий партия, 2 та ҳаракат, 46 та жамият, 5 та қўмита, 24 ассоциация, 18 та тармоқ касаба уюшмалари, 35 та жамғарма, 15 уюшма, 32 та федерация, 31 та бошқа ташкилотлар мавжуд. Шунингдек, республикамизда ҳисоб рўйхатига олинган 1500 вилоят, 20 дан ортиқ хорижий давлатларнинг жамоат ташкилотлари ҳам бор.

ҲАЙДОВЧИЛИК ОСОН КАСБ ЭМАС

Бу соҳа ходимлари учун кечаю кундуз баробар. Улар қишин-ёзин йўлда. Масалан, фақатгина Тошкент шаҳар йўналишлари бўйича ҳар куни 1200 та автобус, 32 составдан иборат метро поездлари, 280 та трамвай, 250 га яқин троллейбус ҳамда кўплаб такси машиналари рейсга чиқарилади. Шаҳарда улар воситасида бир кеча-кундузда ўртача 2,5 млн. йўловчи ўз манзилларига етказилмоқда.

ЎЗИГА ХОСЛИК

Араб дунёсининг йирик мамлакатларидан бири -- Саудия Арабистони ўзига хос турмуш тарзига эга. Кўчаларда қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш ман этилган. Кафе ва ресторанларда спиртли ичимликлар сотилмайди. Саудия Арабистонида жиноят буткул йўқ. Бу мамлакатда ўғрилар жуда қаттиқ жазоланади. Эҳтимол, бу ерда ўғриларнинг йўқлиги шундандир. Барибир, саудияликлар мулойим, вазмин ва меҳмондўст халқ. Эркаклар кўп вақтларини болалар ва аёллар тарбиясига бағишлайдилар. Саудия Арабистони оилаларида камида 5-7 нафар фарзанд бўлади. Қирол оиласи ҳам бундан мустасно эмас.

АДОЛАТ ҲАР ИШДА ҲАМРОҲИМИЗ ВА ДАСТУРИМИЗ БЎЛСИН

(Боши 1-бетда)

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўп-кўп мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган «Сиёсатнома» деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси **«қўю қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат», деб кўрсатилган.**

Ҳар сафар шу каби ҳикматли фикрларни ўқиганимда чуқур ўйга толаман. Қани эди, шу сўзлар ҳар бир раҳбарнинг, амал курсисида ўтирган катта-кичик мансабдорларнинг иймон-эътиқодига айланса, деб орзу қиламан.

САВОЛ: Фикрингизни бўлганим учун узр. Сиз доимо эзгу орзу-ниятлар билан яшаш, ҳаракат қилиш деган тушунчаларни иймон, эътиқод, охират каби тушунчалар билан ёнма-ён қўйиб мушоҳада юритасиз. Бунда қандай маъно бор?

ЖАВОБ: Гапингизни тушундим. Лекин мен саволингизга жавобни саволдан бошласам. Отабоболаримиздан қолган мана шундай доно ўгитлар, Қуръони карим, ҳадислар нима учун хизмат қилиши керак? Ахир улар бизга, эй банда, сен - одамсан, сени Оллоҳ таоло инсон қилиб яратган, шунга муносиб бўл, юриш-туришинг, хатти-ҳаракатинг, ҳаётинг инсонлик шаънига, инсонлик номига яраша бўлсин, деган фикрни англатиш учун керак эмасми?

Менинг комил ишончим шундан иборатки, дунёда **адолат қонуни** мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар. Буни асло унутмаслик керак. Қолаверса, одам ўз қилган гуноҳлари, қилмишлари учун замон қонунлари берадиган жазодан қочиши мумкин, аммо охиратда қаерга қочасан?

Агар одам охиратдан қўрқса, одам бўлиб яшашга интилади, одамийлиги ортади. Акс ҳолда, унинг ҳайвондан деярли фарқи қолмайди.

Биз янги озод жамият, ҳуқуқий давлат қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, **адолат тамойилини** устувор принцип сифатида эътироф этамиз. Ва ҳеч қандай куч бизни бу йўлдан ортга қайтаролмайди. Самарқанд ва Навоий вилояти сессияларида айтилган фикрлар бунинг яна бир бор тасдиғидир.

САВОЛ: Сизнинг шу йиғилишлардаги маърузаларингиз, ҳозирги гапларингизни эшитганда табиий бир савол туғилади. Йўлимиз тайин, тараққиёт дастуримиз аниқ бўлса, нима учун ҳаётимизда инсон табиатига тўғри келмайдиган ана шундай номаъқул, эски асоратлар ҳанузгача учраб турибди?

ЖАВОБ: Биз бугун афсус-надомат билан фикр юритиб, бартараф этиш чораларини излаётган нохуш ҳолатни вужудга келтирувчи асосий сабаб шундан иборатки, кўп ҳолларда давлат ходими, давлат хизматчиси, яъни давлат ваколатидан фойдаланадиган амалдор шу ваколатни суиистеъмол қилишга интилади. Нима учун? Чунки мансабдорни ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиши учун қутқу соладиган омиллар кўп. Чунки унинг қўлида ваколат бор, куч бор. Ана шундай ҳолда нопок ходим давлатни ниқоб қилиб, моддий бойликларни тақсимлаш, ишлаб чиқариш соҳасига қўшилиш, кадрлар масаласини ҳал этиш каби нозик масалаларга аралаша бошлайди. Бундай муҳим масалаларда давлатнинг таъсири ва амалдорларнинг роли қанчалик кўп бўлса, у шунчалик аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бу фикрни кўплаб давлатлар тажрибасида ҳам, тарихий фактлар мисолида ҳам исботлаб бериш мумкин. Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган.

Бугун биз бошимиздан мураккаб бир давр - яъни ўтиш даврини кечираётганда, эски маъмурий-буйруқбозлик, мансабдорларнинг чексиз ҳукмронлиги замонидан янги озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум сари қадам қўяётган бир пайтда бундай қусурларнинг юзага қалқиб чиқиши ҳам табиий бир ҳол. Янада соддароқ айтганда, эски тизим қонунлари ўз кучини йўқотиб, янги тизим, янгича ҳаёт кечириш, ишлаб чиқаришни, ижтимоий турмуш соҳаларини бошқаришнинг янги қонунлари ҳали тўла кучга кирмагани, энг муҳими, одамларимизнинг тафаккурида ўзгаришлар жуда секинлик билан рўй бераётгани, уларнинг янги тизим қоидаларини қийинчилик билан идрок этаётгани ва қабул қилаётгани ҳам шу каби салбий ҳолатларни кучайтирмоқда.

Бу вазиятдан чиқиш, вужудга келган аҳволни бартараф қилиш, ҳар қайси жамоа ва минтақада соғлом ижтимоий муҳит ташкил этиш борасида турли хил фикрлар билдириш мумкин. Баъзилар, ҳуқуқ-тартибот ташкилотлари, маъмурий идораларнинг кучини ошириш керак, дейиши мумкин. Яъни, текширувчилар сонини кўпайтириш, керак бўлса, ҳар бир мансабдорнинг ёнига биттадан назоратчи қўйиш зарур, дегувчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо воқелик, кундалик ҳаёт шуни кўрсатмоқдаки, текширувчилар устидан текширувчилар қўйган билан порахўрлик иллати камаймайди, аксинча, баттар авж олади. Қолаверса, биз бундай даврларни бошдан кечирганмиз. Бир эсланг, шўро замонида қанчадан-қанча текширувчи идоралар бор эди: давлат контроли, халқ контроли, уларнинг устидан текширадиган партия контроли. Жойларда, шаҳар-туманларда уларнинг ажирикдек тармоқлаб кетган яна кўпдан-кўп бўлимлари мавжуд эди. Бундан ташқари, райком бюролари, милиция, прокуратура, КГБ, ОБХСС...

Мана шундай тоталитар назорат муҳитида ҳам зўравонлар ўз билганидан қолмаган, порахўрлар ўз қилмишини давом эттираверган.Бундай иллатлар айниқса коммунист мансабдорлар орасида ўтакетган даражада авж олган эди.

Биз бугун турли хил назоратчилар, текширувчилар, терговчилар ва шунга ўхшаганларнинг сонини қанча кўпайтирсак, ишончим комилки, порахўрлик баттар авжига чиқади.

САВОЛ: Бундай ҳолатларнинг олдини оладиган, уларнинг давлат ва жамият манфаатларига етказадиган зарарли таъсирини бартараф этадиган восита борми? Бу масалада бизнинг йўлимиз қандай бўлиши керак?

ЖАВОБ: Менинг назаримда, бу муаммонинг ечими қуйидагилардан иборат.

Энг аввало, бизнинг онгу тафаккуримизга, маънавиятимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган ғайрат-шижоатли, мард, инсоф-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вазифаларга келиши учун йўлни кенг очиб бериш керак.

Иккинчидан, ижтимоий ҳаётда демократия талаблари ва тамойилларини тўла қарор топтириш, давлат ва давлат идоралари ишини демократик принциплар асосида ташкил этиш. Бунда бутун дунё тажрибасида ўзини оқлаган усул - ҳокимиятни қонун чиқарувчи, ижроия ва суд ҳокимиятидан иборат мустақил уч тизимга тақсимлаш ишини амалда рўёбга чиқариш зарур. Жойларда ҳам ҳар қайси бўғинда шу тақсимот оғишмай жорий этилмоғи шарт. Бу уч тизим бир-бирининг ишига аралашмасдан, бир-бирини назорат қилган ҳолда фаолият олиб боришига эришиш лозим.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда ҳам демократия қай даражада эканлигини белгиловчи камида учта мезон бор. Булар - **халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан қанчалик хабардорлиги, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, оддий фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этишидир.**

Мана шу принциплар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган тақдирдагина ҳар хил суиистеъмолликларга қарши самарали ва изчил кураш олиб бориш мумкин.

Бугун биз тўқнаш келган вазиятни тубдан ўзгартиришнинг яна **бир муҳим шарти - бу мулк масаласини ҳал қилишдир**. Яъни мулк ўз эгасини топиши даркор. Ҳаётимизда ва ишлаб чиқаришда хусусий мулк бошқа мулк шакллари - давлат мулки, жамоа мулки, акционерлик мулки ва ҳоказолар орасида асосий устувор ўринни эгаллаши керак. Қачонки, шу мақсадни тўла амалга ошира олсак, давлат мулки ҳисобидан ўғирлик, талон-тарож қилиш, ундан нопок йўлда фойдаланиб меҳнатсиз даромад орттириш каби бемаъни ишларга чек қўйиш мумкин бўлади. Аминманки, ҳеч ким ҳеч қачон ўз мулкини ўғирламайди ёки ўз мулкига хиёнат қилмайди. Бу - ақлга сиғмайдиган ҳодисадир.

Хусусий мулкдор устидан назоратчининг ҳам кераги йўқ. Чунки бош назоратчи - унинг ўзи. Қонун асосида ишласа бас, ўз вақтида солиғини тўлаб борса, бўлди. Қанча даромад топса, топаверсин.

Муаммонинг **тўртинчи ечими** шундан иборатки, биз жамиятимизда ҳақиқий маънодаги кўп партиявийлик муҳитини тезроқ шакллантиришимиз зарур. Чунки партиялар, турли хил нодавлат ташкилотлар дегани - бу жамоатчилик дегани. Демак, кенг жамоатчиликнинг ижтимоий ҳаётдаги таъсирини, ўрни ва ваколатини, ҳуқуқини кучайтириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш лозим.

«Тафаккур» журналида эълон қилинган суҳбатда билдирилган «Кучли давлатдан - кучли жамият сари» деган фикримнинг моҳияти ҳам аслида шу.

Биз адолатли, демократик жамият қурмоқчи эканмиз, бир ҳақиқатни асло ёддан чиқармайлик: **тепадан туриб, махсус фармон ёки декрет билан жамиятда адолат ва демократияни ўрнатиб бўлмайди. Бу барчанинг бирдек иштироки, биринчи навбатда пешқадам зиёлиларимиз, турли сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари намояндаларининг, масъул хизматчиларимизнинг ғайрати, жасорати, ақл-заковати билан рўёбга чиқадиган мураккаб ишдир.**

Бу борадаги энг муҳим ва оғир масалалардан бири шуки, демократик тамойилларни жорий этишда асрлар синовидан ўтган, бугунги ҳаётимиз талабларига хизмат қиладиган, танлаб-саралаб олинган миллий қадриятлар ва умумбашарий тажрибаларни табиий равишда уйғунлаштира олишимиз лозим.

Масаланинг **яна бир ечими** фикр эркинлиги, сўз эркинлиги билан боғлиқ. Жамият аъзолари ўз фикрини эркин ифода эта билиши, сўз эркинлигини ҳимоя қилиш, шу ҳуқуқларнинг амалда таъминланиши учун кафолат яратиш - бизнинг бугунги энг муҳим вазифамиз бўлиши лозим. Одамларнинг эркин фикрини ифода этувчи оммавий ахборот воситалари жамиятда ўзининг мустаҳкам ўрни ва мавқеини эгаллаши даркор.

Яна такрор айтаман: агар жамият назоратини ташкил этолмасак, яъни жойларда давлат идоралари устидан жамоатчиликнинг назоратини ўрнатишга эришолмасак, бундай нохуш ҳолатларни таг-томири билан тугатишнинг имкони бўлмайди. Бу касаллик, бу балога қарши курашишнинг бундан бошқа йўли йўқ.

Бунга эришиш учун эса аввало жамоатчилик вакилларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш керак. Ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши ва уни ҳимоя қила олиши зарур. **Одамларни ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш** асосий вазифалардан бири бўлиши шарт. Токи жамиятнинг ҳар қайси аъзоси ўз ҳуқуқи, ўз бурчи ва масъулиятини пухта билмас экан, уни ҳаётий эҳтиёж сифатида англамас экан, бизнинг ислоҳот, янгиланиш ҳақидаги барча сўзларимиз, саъй-ҳаракатларимиз бесамар кетаверади.

Бугун одамларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини ўзгартириш мана шу масала билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолди.

Самарқанд ва Навоийда бўлиб ўтган сессияларда кўтарилган масалалар муҳокамаси мен учун нақадар оғир кечганини, юрагимга нақадар қаттиқ ботганини яшириб ўтирмайман.

Шу йиғилишларда ҳозир бўлган депутатлар ва иштирокчилар олдида сўзлаганда мен миллионлаб одамларимиз, бутун заҳматкаш халқимизни кўз олдимга келтириб, хаёлимда уларни тасаввур этиб гапирганимни яна бир бор таъкидлаб ўтмоқчиман. Чунки, доно, меҳнаткаш, сабр-тоқатли халқимиз оқ билан қорани ажрата олиш фазилатига эга, энг муҳими, унга тўғри йўл кўрсатилса, адолат тарозиси одил ва маҳкам тутилса, ҳар қандай синовдан ёруғ юз билан ўта олиши муқаррар.

Оддий бир фермер, шифокор, ўқитувчи ё бўлмаса, Нуротанинг чекка бир қишлоғи вакиласининг мамлакат Президентига ишонч, ҳурмат билдириш билан бир қаторда минбарга чиқиб ўз фикрини эркин, дадил ифода этиши мени қувонтирди. Ана шундай дамларда умрим, борлиғим мазмуни бўлган - озод, демократик, фаровон жамият қуриш йўлидаги ҳаракатларим мева бераётганидан, тобора оммалашаётганидан, юртимизнинг энг олис жойларида ҳам ўз тарафдорларини топаётганидан кўнглим таскин топди. Шундай одамлар, шундай халқимиз бор экан, улар билан ҳар қандай қийинчиликларни, ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтиш мумкинлигини ҳис этиб, кучимга куч қўшилди.

Очиқ айтиш керакки, рўй берган бу жирканч ишларнинг сабабларидан бири - маънавият, таълим-тарбия соҳасида олиб бораётган ишларимизнинг ҳали талаб даражасида эмаслиги билан боғлиқ. Қатъий ишонч билан айтиш лозимки, **маънавий бойлик - моддий бойликдан минг бор устун**. Шу боис биз таълим-тарбия масаласига давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ёндашмоқдамиз. Кадрлар тайёрлаш ҳақида қабул қилинган Миллий дастур ҳам моҳият эътибори билан шу мақсадни амалга оширишга қаратилган.

Бизнинг энг катта ишончимиз, мадад-таянчимиз - бу ўсиб келаётган ёш авлодимиздир. Такроран айтаманки, мен ўзимнинг тақдиримни ҳам, мамлакатимиз ва мустақиллигимиз тақдири ва келажагини ҳам ана шу ёшлар қиёфасида, уларнинг пок қалби, эркин тафаккури, мустаҳкам иродаси ва дунёқарашида кўраман.

Кўриниб турибдики, бизнинг мақсад-вазифаларимиз, асло кечиктириб бўлмайдиган ишларимиз ниҳоятда кўп. Уларни амалга ошириш учун бутун халқимиз, жамоатчиликнинг куч ва саъй-ҳаракатларини бирлаштириш зарур.

Биринчи галда соғлом фикрловчи, шу азиз Ватан қисматини ўз шахсий қисмати деб биладиган, мамлакатнинг эртаси учун бор масъулиятни зиммасига олишга қодир, жафокаш халқимиз учун, демократия ва адолат учун ўзини бахшида этадиган, фидоий, изланувчи ёш авлоднинг бошини қовуштириш, унинг мақсад ва интилишларига қанот бериш зарур.

Агар биз замон билан ҳамнафас яшамоқчи бўлсак, дунёдаги бошқа халқлар, бошқа миллатлардан кам бўлмасликни, аксинча, улар билан тенг, эркин, ҳамкор бўлиб умр кечиришни истасак, фарзандларимизнинг бахту камолини кўрмоқчи бўлсак, ҳаётимизда адолат, фаровонлик, маънавий собитлик қарор топишини хоҳласак, йўлимизда дуч келиб, улуғ ва эзгу ишларимизга халал бераётган турли иллатлардан халос бўлишимиз, уларга қарши қатъият, сабот-матонат, жасорат билан биргаликда кураш олиб боришимиз шарт.

Биз орзу қилаётган фаровон, озод ва обод ҳаётга эришишнинг асосий шарти шуки, унинг қонун-қоидаларига, талабларига бўйсуниб, риоя қилиб яшаш керак. Акс ҳолда умуминсоний тараққиётнинг катта йўлидан четга чиқиб, яна ўша оғир муаммолар гирдобида қолиб кетиш хавфи бор.

Нақадар аччиқ бўлмасин, бу—ҳаёт. Бу—ҳақиқат.

Бугун замон барчамиздан мана шу саволларга жавоб кутмоқда. Буни ҳаммамиз теран англашимиз ва унга муносиб жавоб беришимиз керак.

Oliy o'quv yurtlarida

БИР МАЖЛИСДА ИККИ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси Олий ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқув ва ўқув-ишлаб чиқариш ишлари бўйича директор муовинлари ҳамда катта усталари иштирокида «Малакали кадрлар—истиқбол таянчи» мавзусида семинар ўтказилди. Уни олий ва ўрта махсус таълим вазирининг биринчи ўринбосари Р.Жўраев кириш сўзи билан очди.

Семинарда Президентимиз И.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари юзасидан Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг кафедра мудири, доцент М.Зарипов маъруза қилди. Бу китоб ҳар бир соҳа учун тегишли, демакки, мустақиллигимизни мустаҳкамловчи дастурилмамал эканлигини нотиқ илмий асосда шарҳлаб берди.

Р.Жўраев «Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларини кадрлар билан таъминлаш муаммолари»га тўхталди. У 1998 йилда 35 та шундай ўқув масканлари очилганлигини ва улар сони 1999 йилда яна 113 тага кўпайишини, албатта, бу ерда ишлаш учун малакали кадрлар зарурлигини таъкидлади.

И.ТЎХТАШЕВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази етакчи мутахассиси

АСАР ТАҚДИМОТИ

Тошкент вилояти Педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ижтимоий фанлар кафедраси маънавият ва маърифат, қўшимча таълим бўлими ташаббуси билан республика Президенти И.Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» асари тақдимоти бўлиб ўтди.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О.Тожиев бу асар халқ таълими ходимлари, ўқитувчилар учун амалий қўлланма бўлишини алоҳида таъкидлаб, китобга юқори баҳо берди. Фалсафа фанлари номзоди, доцент Турсунбой Султонов асар моҳияти ҳақида сўз юритди. Шунингдек, иқтисодчи олим Ёқуб Ортиқов асар иқтисодий билимларни маориф ва мактаб таълимида тарғиб этишга ёрдам беради, деди.

М.ИСҲОКОВ

ИШЛАР ЯХШИДЕК

бироқ тажриба-синов майдончалари малака ошириш институтлари учун ўғайми?..

(Боши 1-бетда)

* * *

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарори билан тажриба-синов майдони сифатида тасдиқланган Тошкент (тарих ва география), Сирдарё (мусиқа), Жиззах (рус тили), Навоий (жисмоний тарбия), Самарқанд (физика) ва Хоразм (математика) вилоятларида жойлашган тажриба-синов майдонлари иштирокчиларининг минтақавий семинар-кенгаши Тошкент вилояти Қибрай туманидаги 16-мактабда бўлиб ўтди.

— Унда Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Г. Алимова, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, география фани бўйича тажриба-синов ўтказувчи муаллим Хайрулла Иноғомовлар ҳукумат қарори билан ўтказилаётган ушбу синовнинг аҳамияти, мақсади ва бу борада қилинаётган ишлар тўғрисида гапирдилар. Шўъбалардаги мажлисларда эса ҳар бир ўқув фани бўйича олиб борилаётган тажриба-синов ишлари атрофлича таҳлил қилинди.

Ялпи йиғилишда тажриба-синов майдонларининг илмий раҳбарлари профессор Т. Мирзаалиев (география), профессор Ж. Икромов (математика), профессор Р. Толипова (рус тили), профессор Х. Нурматов (мусиқа), экспертга масъул П. Мусаев (география), эксперименатор ўқитувчилар А. Мирзаев (физика) ва У. Жўраев (тарих) ўқув фанлари бўйича ўтказилган шўъба мажлисларида кўрилган масалалар юзасидан ахборот тинглашдилар. Йиғилишда кўтарилган муаммо ва саволларга Халқ таълими вазирлиги Умумий ўрта таълим Бош бошқармаси бошлиғи Г. Алимова, ЎзПФИТИ директорининг муовини профессор Д. Шодиев, тажриба-синов ишлари бўйича Ахборот марказининг бошлиғи А. Баҳромовлар жавоб қайтаришиб, тажриба-синов ишларини олиб бориш юзасидан тавсиялар бердилар.

Бўлиб ўтган минтақавий семинар-кенгаш шуни кўрсатдики, юқорида қайд этилган ўқув фанлари бўйича тажриба-синов ишлари узлуксиз олиб борилмоқда. Бироқ тажриба-синов ишларини олиб борилаётган экспериментатор ўқитувчиларга мутасадди ташкилотлар томонидан етарли даражада методик ёрдам кўрсатилмаяпти. Масалан, вилоятлардаги Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институтлари ўз ҳудудларидаги тажриба-синов майдонларига амалий ёрдам бермаяптилар.

Институт мутахассислари «Маърифат» газетасида эълон қилинган «Умумий ўрта таълим муассасалари (мактаблари) ўқувчиларининг билим даражаларини назорат қилишнинг рейтинг усули тўғрисида»ги Низом лойиҳасини тажриба-синовдан ўтказишда эксперименатор ўқитувчилар билан баҳамжиҳат ишлашмаяпти. Натижада бу ўқитувчилар рейтинг усулини жорий этишда қийналиб қолаётирлар ...

Хуллас, минтақавий семинар-кенгашда тажриба-синов майдонларида ишлаётган муаллимларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш бўйича тегишли кўрсатмалар берилди.

Мухбиримиз

Tajriba, sinov, natija

ЯККАБОҒДАГИ ЯККА «БОҒ»

Ўрта умумтаълим мактабида ўқитиладиган ҳар бир дарслик бола миллий ғурурини, ақл-идрокини, эзгу, умуминсоний туйғуларини тарбиялай олиши керак. Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги Ойбек номидаги 75-мактабнинг кимё-биология фани ўқитувчиси Чори Бобоқулов ана шу фикр хусусида кўп ўйлади. Тўғриси, мактабнинг ўзига боғлиқ бўлмаган муаммолари қаторида бу даргоҳлар болани - инсонни эркин қадам қўйишга тайёрлаш, муаммоларни ҳал этишда қатъиятлилик қилиш, муҳими, ўғил-қизларни комил фарзандлар этиб тарбиялаш борасидаги тажрибалари ҳам бор, лекин улар етарли эмас.

Очиғи, ҳозир ўрта мактабларимизда минг-минглаб тушунчалар ўқувчилар онгига сингдирилмоқда. Аммо ўқувчиларимизда негадир лоқайдлик бор. Ўзлаштирилган билим чала, юзаки. Ўқитувчи бир соатлик дарс давомида қатор тушунчалар беришга интилади, қуйиб-пишиб, жон қуйдиради. Бироқ, улар жим: на сўрайди, на баҳсга киришади. Аҳволни қай тарзда ўнгласа бўлади?

Аслида ташаббус ҳам жараённи таҳлил қилиш асносида юзага келади, шундан сўнгтина бирон-бир ишга жиддий киришилади. Чори Бобоқулов ҳам яратажак иш услуби, ташаббуси тўғрисида кенг мулоҳаза қилди. Ниҳоят, чуқур таҳлиллардан сўнг, 1979 йили кимё-биология фанига қизиққан ўғил-қизлар билан дарсдан ташқари, яккка тартибда шуғуллана бошлади. Ўша йили 3 нафар ўқувчини олий ўқув юртларига ўқишга тайёрлади. Уларнинг ўқишга ҳужжат топширишларидан, то ўқув даргоҳига киргунларигача бош-қош бўлди. Шу йили домла эл назарига тушди, шогирдлар, талабгорлар аста-секин кўпайди.

Бироқ қувонч билан ташвишлар ёнма-ён юрар экан. Унда оёқ оғриғи дарди пайдо бўлди. Чори ака шу даврда ҳам мактабда бўлди, ўз касбини ташлаб кетмади. 1995 йилда эса у репетиторлик мактабини яна тиклади. Самарали меҳнатлари самараси ўлароқ, 1995 йилда 16 нафар шогирдидан 15 нафари, 1996 йилда эса 30 нафардан 24 нафари ўзлари танлаган соҳалар бўйича олий ўқув юртлари талабалари бўлишди.

Бу натижалардан кейин 1996-1997 ўқув йили бошида одамлар унинг уйига илтимос билан кела бошлашди. Аммо домланинг оёқ тўпиғи пайи яна узилиб кетиб, анча даволанди, иккинчи гуруҳ ногирони бўлиб қолди. Мактабга бориб, қўлтиқтаёқда дарс ўтиш қийин эди. Барибир, Чори Бобоқулов бир йиллик репетиторлик курсини тиклади. Сентябрь ойидан 41 нафар ўқувчини ўқита бошлади. Машғулотлар уйда, хонтахта атрофида 2 сменада давом эттирилди.

Таъкидлаш жоизки, Ч.Бобоқулов жараёнда синф тахтасидан фойдаланмади. Муҳими, болаларга ҳар куни 4 соатдан ўтириб, диққатни бир жойга тўплашни ўргатди. Дарсларни ҳар бир ўқувчи ёнига эмаклаб бориб, дафтарига тушунтирди. Бу ҳолни қилиб, ўзига хос репетиторлик мактаби яратаяпти. Шуниси аниқки, анъанага содиқлик, фидойилик унинг боболари қонида борлиги рост, ҳақиқат.

Ровийларнинг айтишича, ўша манзилда яшаган хон Ҳисор тоғи этагида боғ қилишни ният қилибди ва айтибдики, у ҳеч кимникига ўхшамаган, шу минтақада ягона бўлсин... Йиллар ўтиб, гўзал боғ бунёд этилибди. Шундан сўнг хондан ибрат олувчилар топилибди. Хуллас, боғ яратиш анъанаси бошқа юртларга якка боғдан таралган экан. Не ажабки, бу фазилатларни фарзандлар қайта кашф этаётган бўлишса?

Чори Бобоқулов бунёд этаётган «боғ»нинг ҳам сир-синоатлари кўп. У бу хусусдаги фикрларини ошкор қилавермайди. Бироқ боғбон-муаллим ота-боболаради: «Юз марта такрорласа ёд бўлади, минг марта такрорласа мулк бўлади».

Муаллимнинг фикрича, амалдаги дарс жадвалларини бир оз соддалаштириш керак. Масалан, жадвалга кўра, бир кунда 6 та фан ўқитилади. Очиғи, бу йўл ўғил-қизларни қийнаб, лоқайд қилиб қўяётир. Биридан олинган билим иккинчисини чалғитмайди, деб мутахассислар кафолат беришмаяпти. Хўш, бундай ҳолларда тушунчаларни қай тарзда ўзлаштирган маъқул? Жавоб осон: фақат жадвални ўзгартириш керак, холос. Аниқроғи, кунлик жадвалдан 2-3 фан ўрин олиши зарур. Ёки бошқача йўлни танлаш мумкин: мисол учун ҳар чорак давомида математика фанини узлуксиз бир ойдан ўқиса, тўрт чоракда 4 ой ўқийди. Бола шу услуб орқалигина тушунчаларни енгил ўрганади, унда ўқишга мойиллик, қунт-малака ўз-ўзидан туғилади, ҳосил бўлади.

Дарҳақиқат, Чори Бобоқулов фикрларини амалда исботлади: ўтган ўқув йилида ундан қунт ва сабр-бардош билан таълим олган 58 нафар ўқувчининг 53 нафари олий ўқув юртларига киришди. Шогирдларидан Умид Файзуллаев, Баҳриддин Тошев, Йўлдош Худойберганов, Аслиддин Жовлиев, Шаҳло Хидировалар тиббиёт институтларида энг юқори (217, 219) балл тўплаб, ўз билимларини намоён этдилар...

Сирасини айттанда, 1995-1998 йиллар давомида устознинг 124 нафар ўқувчиси - шогирди талабаликка қабул қилинди. Ҳозир уни дараклаб юрганлар кўп. Бироқ устоз боллалар билан худди биринчи синфдагидай якка мулоқот қилишга кўп вақт ажратаётгани боис, у фақат 2 та гуруҳ (60 нафар)даги ўғил-қизларга дарс бера олади. Эндиликда фидойи муаллимнинг янгича усулини жойларда кенг қўллаш, жорий этиш лозим. Назаримизда, бу усул Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да тилга олинган рақобатбардош кадрларни юзага чиқаришда, малакали мутахассислар тайёрлашда муҳим омил бўла олади. Зеро, давлатимиз раҳбари илгари сураётган ғояларнинг, иймонли, эътиқодли кишиларнинг мақсади ҳам аслида шу.

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

ТАРИХ САБОҚЛАРИ ИНСОННИ ҲУШЁРЛИККА ЎРГАТАДИ

1998-1999 ўқув йилида «ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ» ДАРСЛАРИНИ 5-11- СИНФЛАРДА ЎТИШ БЎЙИЧА УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР

(Давоми. Боши газетанинг 12 сентябрь сонида чоп этилган)

ВАТАН ТАРИХИДАН ҲИКОЯЛАР

(5-синф)

III боб материаллари (6-соат) Амир Темур ва Темурийлар даврига бағишланган бўлиб, ушбу боб мавзуларининг ўқувчиларга таълим ва тарбия берувчи ҳамда уларни ривожлантирувчи имкониятлари каттадир.

Ўқитувчи дастлаб ўқувчиларни XIV асрнинг ўрталарида юртимиздаги оғир ижтимоий-сиёсий вазият билан таништиргач, уларнинг ёшига мос ҳолда Амир Темурнинг болалик ва ўсмирлик йиллари ҳақида ҳикоя қилади. Унинг ўз юртини мўғуллар зулмидан озод қилиб, марказлашган қудратли давлат барпо қилиш соҳасидаги ҳаракатларини баён қилади. Амир Темур салтанатининг ташкил топиши, унинг ички ва ташқи сиёсатини кўрсатиш билан ўқувчиларга Соҳибқирон Амир Темурнинг саркарда, буюк давлат арбоби, бунёдкор, илм-маърифат ва маданият ҳомийси, ўзбек давлатчилигини юксакка кўтарган халқимизнинг фахри эканлигини чуқур англатиш лозим.

Самарқандни давлатнинг пойтахти қилиб, уни «рўйи замин сайқали»га айлантириш, халқаро иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантириш, Буюк ипак йўлининг аввалги шуҳратини тиклаш борасидаги унинг хизматларини таъкидлаш билан, Амир Темур ва Темурийлар даврида мамлакатда фан ва маданият тараққиёти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ривожини тушунарли тарзда атрофлича очиб бериш зарур. Айниқса, «Темурийлар давлатида маданий ҳаётнинг ривожланиши» мавзусини баён қилишда олим, шоир, тарихчи ва бошқа санъаткорлардан: Али Қушчи, Улуғбек, Низомиддин Шомий, Шарафуддин Али Яздий, Хондамир, Алишер Навоий, Бобур, Беҳзод каби буюк шахслар ҳаёти, ижоди ва фаолияти ҳақида қизиқарли маълумотлар бериб ўтиш ўринлидир.

IV боб (7-соат) мавзулари ўзбек хонликларининг XVI-XVIII асрлардаги ижтимоий-сиёсий аҳволига бағишланган. Бунда ўқитувчи, аввало, диёримиз ҳудудида Шайбонийлар давлатининг вужудга келиш сабабларига тўхталиб, ушбу сулола вакилларидан Убайдуллахон ва Абдуллахон II ҳукмдорлиги даврида мамлакатни мустаҳкамлаш борасидаги ҳаракатлар ҳақида фикр юритишдан олдин Шайбонийхон шахсига ҳам ҳаққоний тавсиф бериб ўтиш даркор. Мазкур давр маданий ҳаёти хусусида сўз юритиш билан бирга ушбу сулоланинг инқирози ва Аштархонийлар сулоласининг қарор топиш сабабларига ўқувчилар эътибори қаратилади.

Аштархонийлар давлатидаги ўзаро урушларнинг натижасида юртимизнинг учта мустақил хонликка бўлиниб кетишининг салбий оқибатларини кўрсатиш учун «Бирлашган ўзар», «Бўлинганни бўри ер» каби халқ мақоллари шарҳланиб, ибратли ҳикоялар асосида мустаҳкамланади. Шу билан бирга, ўша даврда ижод қилган машҳур маданият намоёндаларининг фаолиятлари содда, қизиқарли тарзда ёритилиши муҳимдир.

6-СИНФ

Иккинчи бўлим

Марказий Осиё қабила ва элатлари илк давлатчиликнинг пайдо бўлиши даврида (8-соат)

Бўлимнинг мақсади – темирдан ясалган меҳнат қуролларидан фойдаланила бошлагач, Ўзбекистон қадимий аҳолисининг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришлар билан танишиш; Ўзбекистон ҳудудида илк давлатчиликнинг вужудга келиши, давлат тушунчаси ҳақидаги ўқувчилар билимини кенгайтириш; ўқувчиларни эр.ав.VII-IV асрлардаги туб аҳоли таркиби билан таништиришдир. Илк темир даврида «Марказий Осиё халқлари» мавзуи ёритилганда темирдан фойдаланила бошлангач, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришларни кўрсатиб ўтиш зарур. Шу ўринда темирдан ясалган илк меҳнат қуроллари Фарғона водийсида (Қизилтепа), Сурхон воҳасида (Далварзин), Қашқадарё воҳаси (Даратепа)да топилганлигини айтиб ўтиш лозим.

Темирдан ясалган меҳнат қуролларини қўлланилиши билан овчилик ва темирчилик ўзининг олдинги моҳиятини, аҳамиятни йўқота борди ва тугал патриархат тузумга ўтилди. Уруғ жамоасининг ички муносабатлари эркакларнинг иқтисодий ва ҳудудий ҳукмронлиги асосида қурила бошланди.

«Мулкчиликдаги тенгсизликнинг юзага келиши», «Ҳунармандчилик ва савдо ривожи», «Хоразм, Бақтрия ва Суғдда давлатнинг ташкил топиши» мавзуларини ёритишда ҳозирги вақтдаги Афросиёб (Самарқанд), Узунқир, Ерқўрғон (Қашқадарё воҳаси), Кўзалиқир (Хоразм) ва бошқалар каби қадимий шаҳарларнинг қолдиқлари ўрганилади. Булар археологлар томонидан топилган энг қадимий шаҳарлар ҳисобланади. Булар қарийб 2700 йиллик тарихга эга.

Умумлашма хулоса қилинаётганда, Хоразмда вужудга келган давлат Шумер, Аккад, Вавилония, Эрон давлатлари билан бир вақтда вужудга келганлиги таққосланади. Ўзбекистонда илк давлатчилик эр.ав.IX-VIII асрларга тўғри келишини таъкидлаш зарур. Эр.ав.VII-VI асрларда бу ҳудудда илк давлатлар мавжуд бўлганлиги, шаҳарлар барпо қилиниб, қадимий шарқ мамлакатлари билан узвий муносабатлар тиклана бошланганлиги ҳақида тўхталиш лозим.

Учинчи бўлим

АЖДОДЛАРИМИЗ ҚАДИМИЙ ФОРС ВА ГРЕК-МАКЕДОН БОСҚИНЧИЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШДА

Бўлимнинг мақсади — ўқувчиларни Аҳмонийлар қўшинининг босқинчилик юришлари ва уларнинг натижалари ҳақида тасаввурга эга қилиш, ўлкамиз халқларининг бос-қинчиларга қарши қаҳрамонона курашларини кўрсатиш, ўқувчиларда ўз авлодларига нисбатан ифтихор, ҳурмат туйғуларини уйғотишдан иборат.

Бунда қуйидаги мавзуларни очиб бериш даркор: «Эр.ав. IV-I асрлардаги аждодларимизнинг ҳарбий санъатлари», «Александр Македонскийнинг босқинчилик юришлари», «Эр.ав.329-328 йиллардаги Спитамен қўзғолони, грек-македон босқинларининг оқибатлари».

«Ўзбекистон ҳудудида алоҳида давлатларнинг вужудга келиши» мавзуида аниқ мисоллар: Грек-Бақтрия, Қанғ, Даван, Кушон давлатларининг иқтисодий ва маданий ҳаёти ҳақида ўқувчиларга қисқача маълумотлар бериш лозим. Шу билан бирга мазкур давлатларнинг парчаланиб кетиши сабабларига алоҳида эътиборни қаратиш лозим. Бўлим хулосаланаётганда ўқитувчи юқоридаги давлатлар тарихи мисолида, инсоният тараққиёти фақатгина иқтисод, илм ва маданиятнинг ўзаро таъсири жараёнида амалга оширишни ўқувчиларга кўрсатиб ўтиш зарур. Бундай ўзаро муносабатлар яхши ниятда амалга оширилади, чунки фақатгина эзгулик тарихни яратади, жаҳолат эса уни йўқ қилади.

7-СИНФ

III боб. Мовароуннаҳр ва Хуросонда Араб халифалиги ҳукмронлигининг заифлашуви ва мус-тақил давлатларнинг ташкил топишига бағишланган бўлиб, бунда ўқитувчи ушбу заифлашув сабабларини очиб беради ҳамда маҳалл и й ҳукмдорларнинг мустақил давлатчиликка бўлган интилишларини кўрсатади. Бинобарин, Қарлуқлар ва Ўғузлар давлати ҳақида маълумот бергач, Тоҳирийлар билан Сомонийларнинг бу борадаги сиёсатлари билан таништиради. Айниқса, Халифалик ҳукмронлигининг тугаши сабаблари ва Марказлашган Сомонийлар давлатининг ташкил топиши, мамлакатни бошқариш, хўжалик ҳаёти, ер эгалиги ҳақида атрофлича ҳикоя қилади. Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Салжуқийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари, уларнинг ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий аҳволи билан таништириш жараёнида ўқитувчи ўқувчилар эътиборини Хоразмнинг юксалиш сабабларига қаратади.

IX-XIII асрларда мамлакатимиз фан ва маданиятининг гуллаб-яшнашига олиб келган шарт-шароит ва сабабларини кўрсатиш билан ўша даврда яшаган буюк алломаларимизнинг жаҳон илм-фани ва маданиятига қўшган улкан ҳиссалари, шунингдек, тасаввуф таълимоти буюк сиймоларимизнинг бой маънавий меросини чуқур таништириш лозим. Шу алломаларнинг вакиллари бўлган ўзбекларнинг халқ сифатида шаклланиш жараёнини далиллар билан асослаш керак.

IV боб мавзулари халқимизнинг мўғуллар истилоси ва зулмига қарши курашлари ҳақида ҳикоя қилади. Ушбу мавзуларни ўтишда дастлаб ўқувчилар эътибори Чингизхон бошлиқ мўғуллар давлатининг ташкил топиши ва мўғулларнинг босқинчилик юришларига қаратилиб, истило арафасида Хоразмшоҳлар давлатининг сиёсий ҳолати билан таништирилади. Сўнгра, мўғулларнинг юртимизга босқинчиликлари, Ўтрор қамали, Бухоро фожеаси, Самарқанднинг олиниши, Урганчнинг истило қилиниши тафсилотлари устида тўхталгач, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубролларнинг ватанпарварлик жасоратини амалдаги дарслик ва бадиий, ҳужжатли адабиётлардан моҳирона фойдаланган ҳолда ўқувчиларга етказилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга мўғуллар зулмига қарши Маҳмуд Торобий бошчилигидаги қўзғолонни ҳам кенг ёритиш муҳимдир. Чиғатой улусининг ташкил топиши, ундаги ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий вазиятни кўрсатиш билан XII-XIV асрларда ўлкамиз маданий ҳаётида муҳим роль ўйнаган Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд, Бурҳониддин Рабғузий, Сайфи Саройи ва бошқаларнинг ижодий фаолиятлари хусусида тўхталиб ўтиш зарур.

8-СИНФ

III боб: Бухоро давлати манғитлар ҳукмронлиги даврида (7-соат)

13—дарс: Манғитларнинг ҳокимият тепасига келиши

а) Аштархонийлар сулоласи инқирозининг сабаблари

б) Муҳаммад Раҳимбий — биринчи манғит ҳукмдори

в) Марказий ҳокимиятни кучайтириш учун кураш

г) Амир Дониёл ва Шоҳмуродларнинг ички ва ташқи сиёсати.

14-дарс: Амирликнинг давлат тузилиши

а)Бухоро амирлигининг маъмурий бўлиниши

б)Амирликнинг юқори давлат лавозимлари.

15-дарс: Бухоро давлатининг хўжалиги

а)Ер мулкчилиги шакллари

б)Солиқлар ва мажбуриятлар

в)Қишлоқ хўжалиги ва суғориш ишлари

г)Ҳунармандчилик ва унинг турлари.

16-дарс: Бухоро давлатида ички ва ташқи савдо

а)Ички савдонинг аҳволи

б)Ташқи савдо аҳволи. Жаҳон бозоридан ажралиб қолишнинг салбий оқибатлари

в)Чет давлатлар билан савдо алоқалари.

17-дарс: Амирлик шаҳарлари

а) Амирлик шаҳарлари. Бухоро шаҳри ҳаёти

б) Самарқанд савдо, ҳунармандчилик ва маданият марказларидан бири

в)Тошкент шаҳри нуфузининг ортиши.

г) Амирликнинг бошқа шаҳарлари.

18-дарс: Бухоро амирлиги XIX асрнинг биринчи ярмида

а) Амирлик Амир Ҳайдар ҳукмронлиги даврида

б) Миёнқол қўзғолони

в)Амир Насрулло ҳукмронлиги даврида ички ва ташқи сиёсат.

19-дарс: Такрорлаш — умумлаштириш дарси.

IV боб: XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги (2-соат)

20-дарс: Хива хонлигининг ташкил топиши. XV-XVIII асрнинг биринчи ярмида Хива хонлигининг сиёсий ҳаёти

а) Исмоил Сафавийнинг Хоразмни босиб олиши

б)Элбарсхон Хива хонлигининг асосчиси

в)Бухоро — Хива муносабатлари

г) Хонликдаги сиёсий парокандалик

д) Абулғози Баҳодирхоннинг тахтга ўтириши

е) Хонликнинг ташқи сиёсати ва хонликда чет давлатлар манфаатларининг тўқнашуви

и)Хива — Эрон муносабатлари.

21-дарс: XVIII асрнинг 2-ярми – XIX асрнинг биринчи ярмида Хива хонлиги

а) Қўнғиротлар сулоласининг ҳокимият тепасига келиши

б)Хонликнинг ички сиёсати

в)Хонликнинг ташқи сиёсати.

V боб: XVI аср – XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқлар (2соат)

22-дарс: XVI аср – XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳволи

а) Қорақалпоқ халқининг шаклланиш тарихидан

б) Қорақалпоқ хонлиги

в) XIX аср биринчи ярмида қорақалпоқларнинг ижтимоий ҳаёти

г) 1827 йилдаги Ойдўстбий қўзғолони ва унинг оқибатлари.

23-дарс: Қорақалпоқ халқи маданияти

9-СИНФ

II БОБ. «Чор Россиясининг Марказий Осиёни босиб олиши» бўлиб, уни 7 соатлик мавзуларга ажратиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Асосий эътибор босиб олиниш арафасида инглиз-рус рақобати. Чоризмнинг Туркистонни босиб олишга киришуви, шу йўлда босқинчи подшо армиясининг ваҳшиёна ҳаракатлари, 13-машғулот «Чор Россиясининг Марказий Осиёга босқинчилик юришининг бошланиши» мавзуини ташкил қилади. 14-машғулот Тошкентнинг босиб олиниши, унда Черняев ва унинг ҳаракатдаги армияси ёвузлиги, Тошкент аҳолиси қаҳрамонлиги, сотқинлар башараси, Алимқул ва Солиҳбек додхоҳларнинг ватанпарварлик ҳаракатлари, ниҳоят кучлар нисбати Чоризм тарафда бўлганлиги учун Тошкентнинг босиб олиниши манзараси тарих ҳақиқати асосида очилади. 15-машғулот «Туркистон генерал-губернаторлиги тузилиши», 16-машғулот «Самарқанднинг босиб олиниши ва Бухоро амирлигининг Россия вассалига айлантирилиши», «Хива хонлигининг бўйсундирилиши», 17-машғулот «Қўқон хонлигидаги ички аҳвол ва Пўлатхон бошчилигидаги халқ қўзғолонлари», 18-машғулот ниҳоят, «Қўқон хонлигининг тугатилиши», 19-машғулот ҳолатида ўтилиб II боб хулосаланиб, ушбу бобга якун ясалади. Мазкур бобда сингдирилиши лозим бўлган асосий йўналиш Россия империясининг тажовузкорона босқинчилиги арафасида хонликлардаги ички низолар, қаҳрли рус генералларининг маҳаллий халқни қирғин қилишлари ва ўз аскарларини уларга нисбатан шафқатсиз руҳда тарбиялаши, босқинчиларнинг ўлкада қилган талон-тарожликлари, шаҳар ва қишлоқларнинг кулини кўкка совурувчиликка мойиллиги, халқимизнинг бу босқиндан ҳад-ҳудудсиз жабр-зулм кўриши далиллар асосида очиб берилади. Шунингдек, босқинчиларга қарши мардонавор олиб борилган миллий озодлик халқ ҳаракат, ва унинг оқибатлари ёркин мисолларда ёритилади.

III боб. «Чор Россияси мустамлакачилик идора усулининг жорий этилиши» материаллари 6 соатга мўлжалланади. Унда асосий эътибор, Россия империясининг Марказий Осиёдаги мустамлакачилик сиёсати, генерал-губернаторликнинг маъмурий тузуми, Туркистон генерал-губернаторлигида полиция ва суднинг соф мустамлакачилик кўриниши эканлиги, Туркистон шаҳар ва қишлоқларини бошқариш мутлоқ мустамлакачи зўравонлар манфаатига тўла бўйсундирилганлиги, ер-сув муносабатларида ҳам Россия империяси мустамлакачилик занжирини янада ишончли ва бардошли бўлишини таъминлаш ва аста-секин ўлкада рус нуфузини ошириш каби сиёсий мақсадларни кўзлаб, уларни Марказий Осиёга оммавий кўчириш сиёсатини юритиб, руслаштиришга асосий эътиборни қаратганлиги, ўлкани хом ашё маконига айлантириш учун эса темир йўллар қуришга киришганлиги бобнинг асосий мазмунини ташкил қилади.

10-СИНФ

27-дарс: «Ҳарбий коммунизм» сиёсатининг инқирози

а) Янги иқтисодий сиёсатнинг моҳияти

б) Туркистонда хўжалик инқирози

в) Инқироз сабаблари

г) Туркистонда янги иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун кураш.

28-29-дарслар: Хоразм Халқ Совет Республикаси 1920-1924 йилларда

а) ХХСРнинг сунъий равишда тузилган давлат эканлиги, унда шўро мустамлакачилик реакцион ўрни.

б) ХХСР давлат органларининг тузилиши

в) ХХСРдаги ички сиёсий аҳвол ва ҳокимиятнинг тўла коммунистлар қўлига ўтиши

г) Республика Конституциясининг қабул қилиниши

д) 1924 йил январ қўзғолони сабаблари ва оқибатлари

е) ХХСР давлат арбоблари (Полвонниёз Юсупов, Бобо Охун Салимов, М. Хўжамуҳамедов, Ж. Султонмуродов, Қ. Сапиев ва бошқалар).

30-31 -дарслар: Бухоро Халқ Совет Республикаси 1920-1924 йилларда

а) БХСРнинг большевиклар тузган қўғирчоқ давлат эканлиги

б) БХСР давлат органларининг тузилиши

в) БХСРда ички вазият кескинлашувининг сабаблари

г) 1921 йилги Республика Конституцияси ва унинг 1923 йилда ўзгартирилиш сабаблари

д) БХСР давлат арбоблари (А. Муҳиддинов, Ф. Хўжаев, М. Мансуров, Фитрат, Саттор Хўжаев, М. Саиджонов, М. Аминов ва бошқалар).

32-33-дарслар: Марказий Осиёда миллий давлат чегараланишининг ўтказилиши

а) Марказий Осиёда миллий давлат чегараланиши сиёсатининг ишлаб чиқилиши ва бу сиёсатнинг туб сиёсий шовинистик мақсади

б) Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм Республикалари раҳбариятларининг мазкур масалада тутган йўллари

в) Миллий чегараланиш ўтказиш йўлида амалга оширилган ташкилий ишлар

г) Ўрта Осиё федерециясини тузиш тўғрисидаги таклифлар

д) Ягона Туркистон ҳудудининг миллий белгилар бўйича бўлиб юборилиши ва унинг оқибатлари

ж) Ўзбекистон ССРнинг мустамлака давлат эканлиги.

34-дарс: Қорақалпоғистон 20-30-йилларда

а) Қорақалпоғистон мухтор вилоятининг тузилиши

б) Қорақалпоғистонда ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаёт

в) Мухтор вилоятининг Мухтор Республикасига айлантирилиши.

35-дарс: 1917-1924 йилларда маданий ҳаёт

а) Ўзбекистонда жамиятнинг маънавий ва маданий қиёфаси

б) Ислом динининг жамият ҳаётида тутган ўрни

в) Таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар, унинг мустамлакачилик мафкурасига бўйсундирилиши

г) Адабиёт. Театр санъати. Адабиёт ва санъат арбоблари

д) Таълим соҳасида чет давлатлар билан ҳамкорлик.

36-дарс: Такрорловчи-умумлаштирувчи дарс

II БОБ. Ўзбекистон-Шўролар империяси таркибида (1925-1940)

37-дарс: Ўзбекистонда ижтимоий-сиёсий тараққиёт муаммолари

а) Ўзбекистоннинг иттифоқ Шартномасига қўшилтирилиши

б) Республика бошқарув органлари ва жамоат ташкилотларининг тузилиши

в) 1927 йилги Республика Конституцияси

г) Республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлиниши

д) «Ҳужум» сиёсати ва унинг оқибатлари.

38-дарс: Индустрлаштириш сиёсати

а) Марказ индустрлаштириш сиёсатининг мустамлакачилик моҳияти

б) Ўзбекистонда индустрлаштириш сиёсатини амалга ошириш хусусияти

в) Республикада индустрлаштиришнинг асосий йўли

г) Индустрлаштиришнинг йирик қурилишлари

д) Индустрлаштириш сиёсатининг натижалари.

39-дарс: Ўзбекистон қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш

а) Коллективлаштириш сиёсатининг туб моҳияти

б) Ўзбекистонда коллективлаштириш сиёсатини амалга оширишнинг ўзига хос хусусияти

в) Коллективлаштириш сиёсатини амалга ошириш йўлидаги ташкилий тадбирлар

г) Коллективлаштириш сиёсатини амалга оширишдаги хунрезликлар

д) Коллективлаштириш сиёсатининг аянчли оқибатлари.

40-дарс: Мамлакатда маъмурий-буйруқбозлик тизимининг қарор топиши

а) Маъмурий-буйруқбозлик дейилганда нима тушунилади?

б) Совет ҳукуматининг янги иқтисодий сиёсатга барҳам бериши

в) Халқ хўжалигининг давлат тасарруфига ўтказилиши.

41-42-дарслар: Жамият ҳаётида тоталитаризмнинг қарор топиши

а) Тоталитаризм нима ва у қай пайтда қарор топади

б) Ҳаёт жабҳаларининг давлатлаштирилиши

в) Тоталитаризм мафкураси бўлмиш сталинизм генезиси

г) 30-йилларда ўтказилган «қатағон сиёсати» ва унинг машъум оқибатлари.

43-дарс: Ўзбекистон тобелигининг янада кучайтирилиши

а) 1937 йил Конституцияси – тобеликнинг янада кучайиши ва унинг сиёсий ҳуқуқий асоси

б) Ўзбекистонда амалга оширилган қатағонликлар

в) Қатағон қурбонлари бўлган давлат арбоблари Ф. Хўжаев, А. Икромов, С. Сегизбоев ва бошқалар фаолиятига баҳо

г) Қатағон қурбонлари пок номларининг оқланиши.

44-дарс: Такрорловчи-умумлаштирувчи дарс

45-46-дарслар: 1925-1940 йилларда маданий ҳаёт

а) Маориф ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги ишлар

б) Шаклан миллий, мазмунан «социалистик» адабиётнинг вужудга келтирилиши. Ўзбек миллий алифбосининг ўзгартирилиши

в) 1925-1940 йилларда ўзбек адабиёти ва санъати

г) Республикада илм-фан тараққиёти

д) Миллий зиёлиларнинг шаклланиши

е) Шўролар ҳукуматининг дин ва диний ташкилотларга муносабати

ё) Жамият ҳаётида ягона ҳукмрон мафкуранинг қарор топиши ва унинг аянчли оқибатлари.

11-СИНФ

III БОБ. Қорақалпоғистон Республикаси (2 соат)

21-дарс: Мустақиллик йилларида Қорақалпоғистон давлатчилиги тараққиёти

а) «Ўзбекистон Республикаси таркибида Қорақалпоғистон Республикаси давлат суверенитети тўғрисида»ги декларациянинг қабул қилиниши

б) Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари муносабатларининг Конституциявий асослари.

22-дарс: Қорақалпоғистон Республикасида ижтимоий ҳаёт

а) Экология муаммолари

б) Республика халқ таълими, фан ва маданияти.

IV БОБ. Ўзбекистонда демократик, фуқаролик жамияти асосларининг шакллантирилиши

23-дарс: Ўзбекистоннинг демократик, фуқаролик жамият қуриш томон тутган йўли

а) Демократик ва фуқаролик жамият тушунчалари

б) Демократик ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида амалга оширилган ишлар.

24-25-дарслар: Ўзбекистонда суд ҳокимияти ислоҳотлари

а) Суд ҳокимияти ва унинг вазифалари ҳақида

б) Ўзбекистонда Суд ҳокимияти тизими. Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари вазифалари

в) Фуқароларнинг ўз қонуний ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилишлари.

26-дарс: Инсон ҳуқуқлари халқаро декларацияси

а) Инсон ҳуқуқлари халқаро декларациясининг қабул қилиниши сабаблари

б) Ўзбекистоннинг Инсон ҳуқуқлари халқаро декларациясига кирувчи асосий ҳужжатларни имзолаши

в) Инсон ҳуқуқлари яқин ўтмишда.

27-дарс: Ўзбекистон фуқаролиги

а) Ўзбекистонда ягона фуқароликнинг ўрнатилиши

б) «Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги тўғрисида»ги қонун ва унинг мазмуни.

28-29-дарслар: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг асосий ҳуқуқ ва эркинликлари

а) Фуқаро ҳуқуқи ва эркинлиги тушунчаларининг мазмуни ҳақида

б) Ўзбекистон фуқароларининг асосий ҳуқуқлари (шахсий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ҳуқуқлари)

в) Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан амалда фойдалана олиш кафолатлари.

30-дарс: Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг бурчлари

а) «Бурч» тушунчаси ҳақидаги мулоҳазалар

б) Ўзбекистон Республикаси Конституциясида фуқаролар учун белгиланган бурчлар

в) Ҳуқуқ ва бурч бирлиги

г) Мустақил Ўзбекистон Ёшлари ўз бурчларини қандай бажармоқдалар?

31-дарс: Ўзбекистонда демократик жамиятга хос сайлов тизимининг қарор топиши

а) Сайлов тушунчаси ҳақида ва унинг қарор топиши тарихидан

б) Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунлари

в) Мустақиллик йилларида давлат вакиллик органларига ўтказилган сайловлар.

32-дарс: Жамиятда кўппартиявийликнинг қарор топиши

а) Сиёсий партиялар нима ва улар жамият учун нега зарур?

б) Ўзбекистонда кўппартиявийликнинг қарор топиши

в) «Сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотлари ҳақида»ги қонун.

33-дарс: Фуқаролик жамиятида Оммавий ахборот воситаларининг ўрни

а) Оммавий ахборот воситалари ҳақида

б) Оммавий ахборот воситаларининг жамиятни демократиялаштиришдаги ўрни ва аҳамияти

в) Оммавий ахборот воситалари, ахборот олиш эркинлиги тўғрисидаги қонунлар.

34-дарс: Такрорлаш – умумлаштириш дарси

V БОБ. Мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг шартлари ҳамда тараққиёт кафолатлари

35-дарс: Ўзбекистон давлати хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар

а) Дунёнинг ҳамон мўрт бўлиб турганлигининг сабаблари

б) Марказий Осиё минтақаси хавфсизлигининг баъзи масалалари

в) Ўзбекистон хавфсизлигига таҳдид солаётган омиллар.

36-37-дарслар: Минтақавий можаролар, Диний экстремизм ва фундаментализм-нинг хавфсизликка таҳдиди

а) «Минтақавий можаролар» тушунчаси ҳақида

Минтақавий можароларнинг хавфсизликка солаётган таҳдиди

б) Минтақавий можароларнинг катта салбий оқибатлари

в) Ўзбекистон давлатининг Марказий Осиё минтақавий можаросини бартараф этиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари

г) Диний экстремизм ва фундаментализмга нега қарши курашиш лозим

д) «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун ҳақида.

38-дарс: Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик ҳамда этник ва миллатлараро зиддиятларнинг таҳдиди

а) Буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик ва уларнинг хавфсизликка таҳдиди ҳақида

б) Этник ва миллатлараро зиддиятлар ҳамда унинг хавфсизликка таҳдиди

в) Ўзбекистон кўп миллат вакиллари яшайдиган давлат. Жамиятимиз ҳаётида миллий тотувликнинг таъминланганлиги.

Тузувчилар:
С. МАҲКАМОВ,
РТМ тарих ва ҳуқуқ фанларини ўқитиш маркази раҳбари,
Ж. РАҲИМОВ,
ЎзПФИТИ тарих бўлими мудири, ОПИ тарих кафедраси мудири,
тарих фанлари номзоди

«МММ»НИНГ ОЧИҚ МУЛОҚОТИ

Газетамизнинг доимий мухлислари ажабланишмасин. Йуқ, сиз ўйлаганингиздек саҳифамизнинг МММнинг очиқ мулоқоти эмас, балки Миллий матбуот марказининг журналистлар билан учрашуви ҳақида сўз юритмоқчимиз. Тўғрироғи, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ходимлари билан журналистлар ўртасидаги учрашувдир. Унда ТИА вазири Элёр Ғаниев қатнашди ва маъруза қилди. Ушбу учрашув очиқ мулоқот тарзида ўтиб, унда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди. Учрашувда республикамиздаги ОАВ ходимларидан ташқари «ВВС»нинг ўзбек ва қозоқ хизмати ходимлари ҳам иштирок этишди.

Ташқи иқтисодий алоқалар вазири журналистлар саволларига жавоб бера туриб, улардан ҳар бир мавзуга ҳаққоний ва очиқ ёндашишларини илтимос қилди.

Айни кунларда республикамизнинг ташқи иқтисодий алоқалари қай аҳволдалиги, келгуси режаларига ҳам тўхталинди.

Х. АБДУРАҲМОН

Tahlil

ЎЗБЕКНИНГ ТИЙНАТИ

Инсон ҳаёти доимо сирлар билан, зиддиятлар билан тўлиқ. Ижодкор ҳаёт сирларига назар ташласа, қисман бу сирлар билан ўқувчиларни ошно қила олсагина ҳақиқий санъаткор ҳисобланади. Истеъдоднинг имконияти, бошқалардан устун жиҳати шундаки, у ўзи ҳам иштирок этган «Ҳаёт драмаси»да бир вақтнинг ўзида ҳам ижрочи, ҳам томошабин вазифасини ўтай олади. Шу туфайли ҳам у четдан туриб ҳамма ҳам илғаб олавермайдиган жиҳатларни кузатиш, маълум хулосалар чиқариш имкониятига эга бўлади. Шу хилдаги имкониятни биз мукаммал истеъдод эгаларида ва уларнинг асарларида кўрамиз, кузатамиз. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, шундай имконият ва бахт ёзувчи Шукур Холмирзаевга ҳам насиб этган.

Ёзувчини Абдулла Қаҳҳорнинг иқтидорли шогирдларидан биридир, десак муболаға бўлмайди. Шукур Холмирзаев ўзбек ҳикоячилигининг яхши намуналарини яратди. Унинг ҳикояларида оддий инсонларнинг ҳаёт кечинмалари моҳирона тасвирланади. Уларда катта муаммолар кўтариб чиқилади. Унинг «Ўзбек характери» ҳикоясини олиб кўрадиган бўлсак, ҳикояда оддий, содда ўзбекнинг ишонувчанлиги, меҳнатсеварлиги, одамийлиги, унинг яшаш шароити ва бошқа жиҳатлари ҳар бир ўзбекка ўз маскани, ўз уйини эслатади.

Ҳикоя 1988 йилда босилиб чиққан бўлиб, асарда адиб ўзбек халқининг нақадар меҳмондўстлиги, самимийлигини кўрсатиб берган. Ҳар қандай бадиий асардан ҳаёт ҳиди келиб туриши заруратдир. У ҳаётга яқин бўлмаса, беиз ўтиб кетаверади. Бадиий тўқима ҳам асарда ўз ўрнида қўлланиши керак. Бу ҳикояда ҳаёт ҳақиқати ва бадиий ҳақиқат тўла тажассумини топган.

Шукур Холмирзаев ҳикояда қишлоқ ҳаётини куз фаслида пахта теримида ҳашарга борган талаба Эргаш нуқтаи назари орқали ёритади. Ҳикояда ҳашарчиларнинг ночор яшаш шароитини, айрим ёрдамчилар орасидаги инсонийликка зид муносабатларни ифодаловчи манзаралар бор. Бу ҳолатни Ботир чўпоннинг қўзисини талабалар Ўрмонжон, Азимжонлар томонидан ўғирланиши мисолида кўришимиз мумкин.

Бу лавҳалар ўқувчиларга қаҳрамонлар ҳаракат қиладиган муҳитни кўрсатиш воситаси холос. Ёзувчининг асосий мақсади оддий чўпон оиласига муносабати орқали ўзбекларнинг ўзига хос характерини кўрсатиб беришдир.

Куш тинади-ю, Ботир чўпон ва унинг хотини тинмайди. Бу ҳолатни асарнинг бош қаҳрамони Эргашнинг тилидан баён қилинган тасвирда ҳам кўришимиз мумкин, ... аёл тонг отмасдан уйғонарди, сигир соғади, эрини кузатади, кейин ўрмак тўқийди... Кун кўтарилаверганда, арықнинг у бетидаги пахтазорга тушади, кечгача бир қопни тиккa қилиб кўяди. Кечаси ҳам алламаҳалгача уларнинг кулбасидаги ёлғиз деразадан ариқ бўйига нур тушиб турарди.

Ботир чўпон ва унинг хотини меҳнатга, 3-4 киши зўрға сиғадиган бостирмадек уйда яшашга кўниккан. Улар бундан ўзгача яшашни хаёлларига ҳам келтирмайдилар. Камтарона кун кечиришларига қарамай, ҳашарчиларнинг кўнглини олишни, топгантутганларини қўйиб, меҳмон қилишни табиий эҳтиёж, одатий бурч деб биладилар.

Довул бўлиб, Ботир чўпоннинг қўй-эчкилари кўрадан қочиб кетганда ҳашарчилар ёрдам бериб уларни тўплашишади, лекин давлатга тегишли бир кўзи топилмайди. Шунда Ботир чўпон ҳашарчиларга шундай дейди:

« — Уни ўзим топаман. Сизлар дам олинглар энди... Топсам, ўзимнинг икки қўйимдан биттасини сўйиб, қовуриб бераман сизларга, — деди Ботир чўпон».

Лекин кўзи топилмайди. Ҳашарчи йигитлар — Ўрмонжон, Азимжон ва уларнинг шериклари кўзини ўғирлаб еб тугатадилар. Улар озиқ-овқатдан сиқилганларидан шундай қиладилар. Гўё уларнинг оч қолишларига Ботир чўпон айбдордек, чўпоннинг дастурхонида бир неча бор меҳмон бўлишларига қарамай, давлатга тегишли кўзини ўғирлайдилар. Мана шу лавҳадан Ботир чўпоннинг мард, ўзганинг ҳақидан кўрқадиган инсон эканлигини кўрамиз. Биргина давлатнинг кўзиси учун ўзининг каттагина бир қўйини қурбон қилишдан қайтмайди. Чўпон кўзисини қанча қидирмасин, тополмайди. Шундай бўлса ҳам болаларнинг кетишидан бир кун олдин, ваъдасида туради, гарчи кўзи топилмаган бўлса ҳам.

«— Шу, лабз экан, укалар... тилга олиб қўйиб эдик. Битта қон чиқарамиз деб... Шунга қадам ранжида қилсангизлар. Мана, опаларинг ҳам илтимос қиляпти, — деди.»

Чўпоннинг ана шундай самимий таклифидан кейин талабалар унинг уйида меҳмон бўладилар, андишасизлик қилиб чўпоннинг ўзига тегишли бўлмаган кўзини ўғирлаб еганларидан пушаймон бўладилар. Кўзи ўғирлангандан кейин Ўрмонжоннинг: «Ботир ҳам бир кўзидан айрилса, очдан ўладиган кимса эмас!»— деганидан Эргаш уяладi, изтироб чекади. Чўпоннинг самимийлигидан, мард, тантилигидан лол қолган йигитлар ўз ишларидан қаттиқ афсус чекишади.

« — Биз аблаҳмиз! — деди инграб. — Кўра-била туриб аблаҳлик қиламиз. Биз қанақасига ўзбекмиз-а? Ана уларни ўзбек деса бўлади. Нима дединг, Ўрмонжон?

— Биз анча бузилганмиз, — деб пўнғиллади Ўрмон ака. – Лекин ҳаётнинг ўзиям мажбур қилади-да кишини».

Ботир чўпон ва унинг хотини образи орқали ёзувчи ўзбекларнинг ўзига хос характерини ёритиб беришга ҳаракат қилади. Бунга эришади ҳам. Асарда ҳаётий воқеа кенг ёритиб берилган. Адибнинг бошқа бир қатор асарларида ҳам ўзбекларнинг ўзига хос характери тасвирини кўришимиз мумкин. Бунга «Нотаниш одам», «Ўзбекнинг соддаси», «Подачи», «Қария» каби ҳикоялари, «Эссиз Эшниёз» қиссаси, мисол бўла олади.

Шукур Холмирзаев эл ҳаётини яхши билиши, уни ҳаққоний акс эттириб бериши билан халқ орасида ўзига хос ўрин тутади. Бу эса унинг чин истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади.

Муҳайёхон ҲАМИДОВА,
ЎзРФА Тил ва адабиёт институти аспиранти

O'qituvchiga yordam

СЎРАБ ЎРГАНГАН ОЛИМ...

ёхуд 1998-1999 ўқув йилида 1-синф математика дарслигидан фойдаланишга оид тавсиялар

Республикамиздаги умумий ўрта таълим мактабларининг 1-синф ўқувчилари 1996 йилда нашр этилган «1-синфда математика ўқитиш» номли қўлланма (муаллиф: Бикбоева Н., Зайнитдинова М., Янгибоева Э., Адамбекова Г., Тошкент, 1996) асосида ўқитилмоқда. Биз биламизки, бу дарслик ҳафтасига 5 соатдан математика ўқитишга мўлжаллаб ёзилган. Лекин янги ўқув режасида математика ўқитишга ҳафтасига 4 соат вақт ажратилган. Бизга бу ўқув йилида дастур материалларини ҳамда ўзлаштириш, шу жумладан, дарсликдан қандай фойдаланиш кераклиги хусусида тажрибасинов майдончаларидаги амалиётчи ўқитувчилардан қўплаб мурожаатлар бўлмоқда.

Бизнингча, бу вазиятдан чиқиб кетишнинг энг қулай варианти мактаб компонентидан ҳафтасига бир соатни қўшиб олишдир. Агар бундай қилишнинг иложи бўлмаса, ўқитувчи дастурнинг баъзи масалаларини ўрганишга ажратилган вақтни қисқартиришларига тўғри келади.

Қуйида ҳафтасига 4 соат вақт ажратилганда, дастур материалини ўрганиш учун ажратиш мумкин бўлган тахминий муддатларни келтирамиз:

1 чорак - 36 соат. Дарсликнинг 3-53-бетларидаги материал ўрганилади.

II чорак - 28 соат. Дарсликнинг 54-81-бетларидаги материал ўрганилади.

III чорак - 41 соат. Дарсликнинг 82-129-бетларидаги материал ўрганилади.

IV чорак - 30 соат. Дарсликнинг 130-159-бетларидаги материал ўрганилади.

Қисқаси, бу тавсиялар қўлланма ўқув материалини дарсларга тўғри тақсимлашга ёрдам беради, деб ўйлаймиз.

Н.БИКБОЕВА,
М.ЗАЙНИТДИНОВА

КИТОБ — АЗИЗ УСТОЗ

Баҳриддин Юнусовни акаукалари, дўсту биродарлари ҳазиллашиб, «китоб жиннси» дейишади. Бу Баҳриддиннинг дилига оғир ботмайди, чунки ақлини танибдики, китоб бор жойда ўзини томдан ташлайди...

Бир шингил Баҳриддиннинг таржимаи ҳолидан келтирсак. У Самарқанд вилоятининг Пойариқ тумани «Деҳқонобод» жамоа хўжалигида туғилиб, вояга етган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг ўзбек филологияси факультетини сиртдан тамомлади. Ҳозирда Қўшработ тумани ҳудудидаги Зармитан посёлкасида яшаб, 34-ўрта мактабда муаллимлик қилмоқда.

Баҳриддинни болалигидан китоб оҳанрабодек ўзига тортар, қўлига тушганини ўқиб ташлайверарди. Гапнинг лўндаси, билим ва ақл хазинаси бўлмиш катта-кичик китоблар Баҳриддиннинг кўнгил мулкига айлана бошлади. Дюманинг «Граф Монте Кристо»си, Жек Лондоннинг «Мартин Иден»и Теодор Драйзернинг «Америка фожеаси»ни, Бальзакнинг «Горио ота»си, ўзбек ёзувчиларидан Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Мирмуҳсин, Пиримқул Қодиров, хуллас ҳамма-ҳаммасидан баҳраманд бўлган. Ўқиган китобларининг рўйхати мингдан ошиб қолар, балки икки мингтага етар. Баҳридиннинг қувваи ҳофизаси ўткир, қўлдан ўтказган китоб қаҳрамонлари гўёки миясининг ҳар нуқтасига муҳрлангандек. Баҳриддин қайси асардан эпизод келтирмасин фикрини билдириб ўтади.

Ўтган йили Баҳриддин Тошкентга келди. Уни малака ошириш курсига чақиришган экан. Ўшанда бу қишлоқ муаллими китобхонлар орасида жуда оммавийлашиб кетган ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат»ини 200 сўмга сотиб олгани эсимда. Ва китобни бир кечадаёқ «кўрдим» демай ўқиб ташлабди. Агар унинг ўрнида бошқа бир «муаллим» бўлса, бола-чақасига нимадир харид қилган бўлар ёки 200 сўмни кўзи қиймай, чўнтагига қайтариб солган бўларди ёки бўлмаса арзимаган бир нарсага сарф этарди.

— Китобни жуда тез ўқийсиз, миянгиз чарчаб қолмайдими? — деб сўрайман Баҳриддиндан.

— Мия керагини олади, нокерагини қолдиради, — дейди мийиғида жилмайиб муаллим. – Китобга меҳрим туфайли ҳаётта, одамларга муносабатим қандайдир мўътадил. Энг азиз устозим китобдир. Турмушда қоқилмадим, ўрним, мавқеим аниқ. Менга ўқиган китобларим ҳамиша йўл кўрсатди, маслаҳат ва далда берди, ўргатди.

Инсоннинг китобга муҳаббати шунчалик бўлар экан... Ухласа ҳам ёстиғи тагида китоб, иложи бўлса овқатланаётиб ҳам китобдан нимадир олсам, дейди. Назаримда, бу йигит китобга сиғиниб яшаётгандек, унинг саҳифаларидан ўзига ибрат ва ўгит излаётгандек, ўзи таъкидлагани сингари ҳаётда қоқилмаслик, ўз ўрнини аниқ белгиламоқ ва жамиятга мослашмоқ учун китоб ўқишдан безмаслик, эринмаслик керак...

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА

Xullas...

МАЗДА — ЧИРОЙЛИ ИСМ(МИ)?

Мисрликлар ўз болаларига антиқа исмлар қўйишга устаси фаранг. Бонапарт, Гитлер, Муссолини, Черчилл каби тарихий шахсларга ҳавас қилишгани майли, озиқ-овқат маҳсулотлари, ой, машина ва ҳайвонларнинг номларини қўйишгани ғалатида.. 1954 йилда туғилган қизлардан бирига 23 июль деб исм қўйишган. Бу унинг туғилган куни шекилли. Мазда, Нисан каби машина номлари билан аталувчи қизлар ҳам бор. Масалан, Фунт, Пиастр дея пул номини исм қилиб қўйганларига нима дейсиз?

ҚЎШИҚ АЙТИШНИ ТАЪҚИҚЛАМАНГ

Америкадаги Стаффорд Тауншин шаҳарчаси. Машиналар «бип-бип»и, йўловчиларнинг бақир-чақири, қисқаси, гавжум бир шаҳар.

Шовқинлар ўз йўлига-я, бир болакай бор овози билан томоғи йиртилгудек бўлиб қўшиқ куйлашидан ҳамма безор бўлди. «Товушинг учсин!» деб қўйишади айримлар. Аммо қўшиқчининг уни ўчмайди. АҚШда музқаймоқ сотувчиларнинг қўшиқ айтишлари таъқиқланган бўлса-да, ҳалиги болакай бақиргани-бақирган. Бошқалар кассетага ёзилган қўшиқни варанглатиб қўйса, у ўз оғзи билан қўшиқ куйлайди.

Ахир Америкада демократия, наҳотки, эркин мамлакатда қўшиқ айтишни ман қилиб бўлса? Суд ана шу талаб билан ўзини ҳимоя қилган музқаймоқфурушга ҳеч қандай ҳукм чиқара олмай гаранг...

ТОЗА ҲАВО КЕРАКМИ, БАРГА МАРҲАМАТ!

Инсониятга тоза ҳаво керак. Айниқса, шаҳарликлар тоза ҳаво ахтариб, кунгилочар маскан, дала ҳовли, қишлоққа боришдан эринмайдилар.

Қилни қирқ ёриб, ниманидир кашф қиладиган японларнинг бу галги ихтироси тоза ҳаво билан боғлиқ. Токиодаги йирик савдо марказларидан бирида очилган «Кислород бари»дан одам узилмаяпти. Нега десангиз, барда уч дақиқа мобайнида ялпиз, кофе, лимон, қўзиқорин каби табиат неъматларининг ёқимли ҳидидан тўйиб-тўйиб нафас олиш мумкин. Кимгаки ҳидлар ёқиб қолса, марҳамат аэрозоль балончалардан сотиб олиб кетаверсин. Балонча 80 мартабагача нафас олишга имкон яратади. Қойилмисиз?

ana shunaqa gaplar...

Futbol

ТАЪЛИМ ХОДИМЛАРИ БЕЛЛАШУВИ

Андижондаги «Ёшлик» ўйингоҳида Узбекистон таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси вилоят раёсатининг ташаббуси билан спортнинг мини футбол тури буйича финал мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда Андижон шаҳар халқ таълими касаба уюшмаси жамоаси биринчи, Марҳамат тумани иккинчи, олтинкўлликлар учинчи ўринни қўлга киритдилар.

Абдурасул ЭРАШЕВ

Sport

ЎЗИМИЗНИНГ ПОЛВОН

Қоҳирада армрестринг (қўл кучи) бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди.

Дунёнинг кўплаб мамлакатларидан машҳур спортчилар иштирок этган ушбу мусобақада юртдошимиз Умид Аҳмедов жаҳон чемпиони бўлди.

ЯНГИЛИК

Халқаро волейбол федерацияси ўйин тартибига ўзгаришлар киритди. Энди ҳар бир бўлимда ўйин 25 очкогача ўйналади. Бундан ташқари ҳисобда бир жамоа иккинчисидан 2 очко устун келгунча, яъни 30:28; 53:51, 100:98.. гача беллашув давом этаверади.

Бу қарор 1999 йил 1 январдан кучга киради.

ЗАМОНАВИЙ «ГЛАДИАТОРЛАР ЖАНГИ»ДА

«Формула-1» автопойгаси бўйича 49-жаҳон чемпионати финали ҳисобланган «Япония Гран-При»си ниҳоясига етди. Унда «Макларен» жамоаси сардори, финландиялик Мика Хаккинен ғалаба қозонди.

«ПАХТАКОР» БИРИНЧИ ЛИГАДА

Москвада ўтказиладиган футбол бўйича МДҲ кубоги бу йил бошқачароқ ўтказиладиган бўлди.

Ўтган йиллари яхши натижа кўрсатган мамлакатлар вакиллари олий лигада, кучсиз қатнашганларники биринчи лигада қатнашади. «Пахтакор» жамоаси бу йил биринчи лиганинг «Д» гуруҳида Тожикистон, Арманистон ва Қозоғистон чемпионлари билан куч синашади.

КУЛАВЕРИБ ИЧАГИ УЗИЛАЁЗДИ

Таиландда антиқа спорт мусобақаси, яъни кулиш бўйича мамлакат биринчилиги ўтказилиб, унда 7 ёшдан 70 ёшгача хоҳловчи хо-холовчилар қатнашишди.

Мусобақа шартига кўра, ғолибликни зўриқмасдан, самимий, чиройли ва узоқ кулган қатнашчи қўлга киритарди.

Мамлакатнинг «Энг шўх,кулгич» одами 54 ёшли бир отахон бўлиб чиқди.

mavdonchasi

Tadbir

ХАЛҚ МУРАББИЙСИ

Оғир тарихий даврларда ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ йўл бошловчиларга қийин бўлган. Шунинг учун машақатларга чидаган зотларгина бу ишга яраган.

Яқинда таваллуд кунининг 120 йиллиги нишонланган шоир, педагог, журналист Абдулла Авлоний тақдири ҳам бу ҳақиқатни бот-бот эслатди.

Анжуман аллома номи билан аталувчи Халқ таълими ходимлари малакасини ошириш марказий институтида бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Й. Саиджонов, олимлардан: Б. Қосимов, У. Маҳкамов, У. Долимов, шоир Р. Парфи ва бошқалар таъкидлаганидек, А. Авлоний том маънода бошловчи эди.

Айниқса, унинг бу вазифани бажариши XIX аср охири, XX аср бошларида халқимизнинг Россия мустамлакачилари ва маҳаллий амалдорлар зулми остида эзилган, жамият разолатга ботган даврига тўғри келди ва жуда машақатли кечди.

Ҳақсизликка қарши курашнинг ягона, мақбул йўли маърифат деб билган А. Авлоний халқни саводхон қилиш йўлида узбек педагогикасига асос солди.

Асримиз бошида у Тошкент шаҳрининг турли даҳаларида «Усули жадид» (янги усул) мактабларини очиб, болаларни ўқитди.

Бунинг учун амалдорлар ва диний уламоларнинг тазйиқларига учради. У ўқувчилар учун зарур бўлган дарсликлар ёзди. «Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ», «Биринчи муаллим», «Иккинчи муаллим», «Адабиёт» шулар жумласидандир.

А. Авлоний кенгроқ халқ оммасини уйғотиш учун публицистикага қўл урди ва шунинг баробарида ўзбек публицистикасининг ҳам бошловчиларидан бири бўлиб қолди.

У XX аср бошларида чоп этилган бир қатор газеталарга муҳаррирлик қилганда мусаҳҳиҳлик, мухбирлик ва муҳаррирлик вазифаларини ҳам ўзи бажаришига тўғри келди.

Ҳатто, 1914 йилда биринчилардан бўлиб театр очганлиги учун диний уламолар уни «кофир» деб эълон қилишгача борди. Хуллас, халқи учун яшаган аллома халқи хотирасида яшаяпти.

Рустам БОЙМАТОВ



СОНЕТЛАР

Ko'ngil bitiklari

Деразам очаман, кимдир йиғлайди,
Ҳўнграб юбораман, тинай демас ун...
Бева бу кўнглимни дорга чорлайди,
Ёшимни ичаман май каби безун...

Кўзимни юмаман, кимдир йиғлайди,
Увол бўлган умр тентирар хаста.
Киприкка аламлар ёшни боғлайди,
Кўзимни юмаман, йиғлайман аста...

Деразанг очилса, ёпилмас кейин,
Кўнгилга сиғмайди тириклиги ҳам..
Деразанг ёпилса, очилмас кейин,
Улуғ бир қайғуни кўрамиз баҳам...

«Увол қилдинг... увол... вой-додай-додай...
Увол бўлдим... увол... фарёд-фарёдай...»

* * *

Илоҳий сеҳрга этиб мунтазир –
Кавсар соҳилларин ёритди шуъла.
Бир оқшом туновчи – гўзал беназир –
Ҳурлигин куйлайди покиза ҳис-ла.

Менга интиқ эрур иффатий ҳурлик,
Мен унга интиқман азалу абад.
Мени деб йиғлайди лўливаш шўрлик,
Уни деб эгилди бу мусофир қад..

Ханжарин ўйнатиб чорлар рақсга,
Мозий илинжлари эгадур бошим.
Эҳтиёж сездириб фаришта ҳисга,
Кавсар суви ила ювадир ёшим...

Кавсар соҳилига қўяркан қадам –
Ул пари чеҳрасин ёритди гулхан,
Ул санам ҳурлигини айладим ҳамдам,
Муаллиқ меҳварга сингиди ватан...

Дайди бир шоирдан кечингиз, хайр,
Армонлар юртига қиламан сайр...

Ўктам ҲАКИМАЛИ



«G'UNCHA»НИНГ ЭНГ ЯХШИ ТУҲФАСИ

«Болангизга эртак айтиб берасизми?» (муаллиф Т.Раҳимова, «Маърифат» 11 ноябрь 1998 йил) мақоласини ўқиб, унда кўтарилган зўр фикрлардан хулоса чиқарганингизга ишонамиз, азиз муштарий. Аммо бугун биз бу саволни бироз ўзгартириб, «Болангизга эртак ўқиб берасизми?» ёхуд «Болангизга эртак китобини олиб бердингизми?» деб сўрамоқчимиз Сиздан. Болаликдан севиб ўқиганимиз – «G'uncha» яқинда қирқ ёшга тўлди. Шу муносабат билан «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни журналда узоқ йиллар ишлаган қаламкашларнинг энг сара эртакларини «Bir bor ekan...» тўпламига жамлаб, нашрдан чиқарди. «G'uncha kutubxonasi» туркумида чоп этилган ушбу мўъжаз китобчадан қизиқарли эртаклар ўрин олган.

Демак, юқорида берган саволларимизни энди тўғри тушунгандирсиз, азиз муштарий. Бугуноқ «Bir bor ekan...»ни сотиб олингу болаларингизга ўқиб беринг. Ҳа, дарвоқе, фарзандларингиз учун келгуси йилда ҳар ойда лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосида чиқадиган, ўзида ранг-баранг сурат, турли ажойибу ғаройиботларни жамлаган болаларнинг севимли «G'uncha» журналига обуна бўлишни ҳам унутманг. Нашр индекси 818. Болаларингизга бир олам қувонч улашишга шошилинг!

Н.АСЛОН

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Гулчеҳра ПАРПИЕВА, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32.
ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58.

Навбатчилар:Ахмад ОТАБОЕВ, Норали ОЧИЛОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.
ИНДЕКС: 149, 150. Г-0501.
Тиражи 25.000. Г. 1 2 3 4 5 6
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти -20.00.
Топширилди-19.30.

Газетани IBM компьютерида Абдирасул НАРМАНОВ саҳифалади